O'zingni angla!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 15-noyabr, chorshanba ✱ № 46 (1057) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www hurriyat.uz

ЎЗ МУЛКИМИЗГА ЎЗИМИЗ ЗАРАР ЕТКАЗМАЙЛИК

Афсуски, ижобий янгиликлар билан биргаликда киши дилини хира қиладиган салбий ҳолатлар ҳам учраб турибди. Буни масъулиятсиз ва назоратсиз ёшлар томонидан темир йўл ҳудудининг баъзи жойларида ўрнатилган девор ва панжара тўсиқларни бузиш, йўловчи поезд вагонларининг деразаларига шикаст етказишда кўриш мумкин.

⇨ 2-бет

КОРРУПЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

Коррупциянинг авж олиши мамлакатда тадбиркорларнинг синишига, малакали кадрларнинг бошқа мамлакатларга чиқиб кетишига сабаб бўлади. Бу иллат оқибатида ишлаб чиқариш учун ажратилаётган инвестициялар миқдори камайиб, иқтисодий ўсиш тўхтайди.

⇨ 5-бет

АРАВАГА ҚЎШИЛГАН ОҲУ ҚИССАСИ

Бир тасаввур қилинг: хушманзара гўшада ниҳоятда гўзал бир оҳу юрибди. Табиат унга инсон кўзини қувонтиришдек эзгу вазифа юклаган. Биз уни бундай вазифадан озод этиб, бошқа вазифа юкладик, яъни... аравага қўшдик! Оқибатда гўзаллик нобуд бўлди, аравадаги юк ҳам жойида қолаверди... Аянчли ҳол, тўғрими? ОҲУ+АРАВА=ТЕАТР.

⇨ 6-7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 13 ноябрь куни геологияқидирув ишлари самарадорлигини ошириш, минерал-хомашё ва қимматбаҳо металлар ресурс базаси ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

✓ Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТ шафелигида ташкил этилган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 ноябрь куни Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилаётган Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга бағишланган халқаро анжуманда иштирок этган Европа иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Еврокомиссия вице-президенти Федерика Могерини, Эрон ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зариф ва Туркия иқтисодиёт вазири Нихат Зейбекчи билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 ноябрь куни мамлакатимизга ташриф буюрган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Бош котиби Томас Гремингерни қабул қилди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти "Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади.

ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

ЧЕГАРАЧИЛАРГА УЙ ТОПШИРИЛДИ

Мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида миллий армиямизнинг жанговар қудратини янада юксалтириш, ҳарбийларнинг профессионал малакасини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ж.Норқобилов (ЎзА) олган суратлар

Қарши шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм чегара постларида хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга топширилган хизмат уйлари ана шу эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда соҳага алоқадор ташкилотлар вакиллари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, касб-ҳунар коллежларининг "Ёш чегарачилар" ҳарбий-ватанпарварлик клуби фаоллари иштирок этди.

— Ўғлим болалигидан ҳарбийликка меҳр қўйди, — дейди хоразмлик катта лейтенант Санжар Авазматовнинг отаси Бозорбой Авазматов. — Унинг бу қизиқиши бора-бора қатъий мақсадга айланди. Бугун ҳарбийларга яратилган шароитларни кўриб, очиғи, ҳайратда қолдим. Атроф чўл, лекин ҳовлига кирсанг, шаҳар дейсан. Яшаш учун ҳамма шароит муҳайё. Ўзим оддий деҳқонман. Умрим далада ўтди. Ўқишни, тоза-озода кийиниб ишлашни орзу қилганмиз, аммо имкониятимиз бўлмаган. Бизнинг армонга айланган ўша орзуларимизга бугун фарзандларимиз етмоқда. Илоҳим, юртимиз тинч, халқимиз фаровон бўлсин.

Миришкор туманидаги "Узоқ чорвадори" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан замон талаблари асосида барпо этилган икки хонали уй-жойларда яшаш учун барча шароит яратилган.

— Ҳарбий хизматчининг турмуш ўртоғи бўлганимдан фахрланаман, — дейди андижонлик кичик сержант Усмон Шарофиддиновнинг турмуш ўртоғи Матлуба Шарофиддинова. — Ҳарбий оилаларнинг тўла-тўкис, бахтли ҳаёт кечириши учун яратиб берилаётган шароитлар ва ғамхўрликлар учун Президентимиздан миннатдормиз.

Бир пайтлар қум барханлари қоплаб ётган чўлда шинамгина яшил гўша ташкил этилган. Янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган уй-жойлар атрофи ободонлаштирилиб, чўл ҳавосига мос манзарали ва мевали дарахтлар экилган. Ҳарбийларнинг фарзандлари учун мўъжазгина болалар майдончаси барпо этилиб, ҳар хил аттракционлар ўрнатилган.

— Шарафли касбимдан фахрланман, — дейди самарқандлик кичик сержант Жўрабек Нарзуллаев. — Етти йилдирки, шу соҳада фаолият олиб бораман. Давлатимиз томонидан биз, ҳарбийларга яратилаётган қулайликлардан миннатдормиз. Мана, бугун кўпчилик хизматдош дўстларим қатори менга ҳам 2 хонали уйнинг калити топширилди. Энди оилам ёнимда, кўнглим хотиржам. Ўғлим Хондамир 2,5 ёшга тўлди. Бўш вақтимни у билан ўтказаман.

Тадбирда ҳар бири 2 хонадан иборат 4 уй-жой ўз эгаларига топширилди. Ҳарбий оркестр томонидан ижро этилган Ватанни мадҳ этувчи мардонавор руҳдаги куй-қўшиқлар барчага хуш кайфият бағишлади.

Ў.БАРОТОВ,
ЎзА мухбири

БУГУННИНГ ГАПИ

Мактабгача таълим: МУАММО, МУНОСАБАТ, ИМКОНИЯТ

Бола тарбиясида азалий қадриятларимиз бор, бу-ку яхши, пировардида кун сайин ўзгариб бораётган замон талаблари билан ҳам ҳисоблашишга тўғри келади. Иморатнинг мустаҳкам бўлиши пойдеворга боғлиқ, деган эски ақидага кўра, фарзандларимизни гўдак ёшидан ҳар томонлама парваришлаб вояга етказиш қанчалик муҳимлигини даврнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бунинг учун ота-онага кўмакчи бўлган мактабгача таълим муассасаларининг ўрнини ҳаммамиз яхши англаймиз. Бироқ тизимдаги кўплаб муассасаларда йиғилиб қолган муаммолар ушбу вазифани бажаришга халақит бера бошлаган эди.

2-бет

Ҳурматли муштарийлар,

2018 йил учун "HURRIYAT" газетасига обуна давом этмоқда.

"HURRIYAT"ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Ўқинг, баҳра олинг ва уни дўстларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat"да чоп этилган материаллар билан www hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

ДИҚҚАКТ, ЯНГИ ЛОЙИҲА

МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР такомиллашмоқда

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш доирасида, тадбиркорлик субъектлари ва жамоат ташкилотларининг қонуний манфаатларини таъминлашда барча ҳуқуқий асослар яратилмоқда. Шунга қарамай, фуқаролар, жамоат ташкилотлари ва бошқарув органлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларда маъмурий тўсиқлар, сансалорлик ва ҳужжатбозлик кўринишларининг мавжудлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Албатта, бундай салбий ҳолатларга барҳам беришнинг зарур бўлган институционал ва ташкилий механизмлари шакллантирилган. Мисол тариқасида "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги, "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги, "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги ҳамда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунларни келтириб ўтиш мумкин.

Маъмурий тартиб-таомилларни амалда кўпгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниши ва ягона стандартларнинг мавжуд эмаслиги мазкур масалада турли хил ёндашувларга олиб келиши табиий.

Натижада давлат органларида маъмурий амалиётни тушунишда ҳам, унинг тартибини белгилаш масаласида ҳам турли хил ёндашувлар мавжуд. Ушбу ҳолатлар маъмурий тартиб-таомилларни тегишли тарзда тартибга солиш учун махсус қонун қабул қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш учун зарур ягона ҳуқуқий асоснинг мавжуд эмаслиги оқибатида давлат органларининг фаолиятидаги қарорларни қабул қилиш ва уларни расмийлаштириш тартиб-таомилларининг бузилиши, ўз ваколати доирасидан четга чиқиш, "мақсадга мувофиқ" деган тасаввурларга асосланган норасмий ва оғзаки топшириқларга асосан фаолият юритиш, қонун ҳужжатларига мос келмайдиган қарорлар қабул қилиш, юкланган мажбуриятларни бажармаслик каби муаммо ва камчиликлар келиб чиқиши мумкин.

Давлат органларининг фуқаролар ва юридик шахслар билан ўзаро муносабатларидаги амалдаги қонунчилик доирасида бартараф этиб бўлмайдиган қатор муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишнинг ягона тартибини жорий қилишни назарда тутган "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлари ва кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилинмоқда.

2-бет

МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР такомиллашмоқда

Бошланиши 1-бетда

Қонуннинг мақсади маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан, асосий вазифалари эса маъмурий тартиб-таомилларнинг ягона асосларини белгилаш орқали қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг маъмурий органлар билан бўлган муносабатларида ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашдан иборатдир.

Қонун маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан оммавий-ҳуқуқий фаолияти, шу жумладан, лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомиллари, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-таомиллар, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маъмурий тартиб-таомиллар доирасида амал қилади.

Таъкидлаш жоизки, қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, давлат хизматини ўташ, референдум, сайловларни ўтказиш, мудофаа, жамоат хавфсизлиги ва тартиби, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов ҳамда жиноий таъсир чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолиятга, суд иш юритуви, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш соҳасида вужудга келадиган муносабатларга нисбатан амал қилмайди. Шунингдек, қонун "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу қонуннинг қўлланиш доирасига кирувчи мурожаатларга нисбатан ҳам амал қилмайди.

Қонунда соҳага оид бўлган — манфаатдор шахс, маъмурий иш юритиш, маъмурий ихтиёрийлик (дискреционвакалат), маъмурий органлар, маъмурий тартиб-таомил, маъмурий ҳаракатлар, маъмурий ҳужжат, оммавий-ҳуқуқий фаолият, процессуал ҳужжат каби асосий тушунчалар ёритиб берилган.

Маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий принциплари сифатида қонунийлик; мутаносиблик; ишончлилик; тингланиш имкониятининг мавжудлиги; маъмурий тартиб-таомилларнинг ошкоралиги, очиқлиги ва тушунарлилиги; манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг устунлиги; бюрократик расмиятчиликка йўл қўйилмаслиги; мазмунан қамраб олиш; маъмурий иш юритишнинг "бир дарча" орқали амалга оширилиши; тенг ҳуқуқлилик; ишончнинг ҳимоя қилиниши; маъмурий ихтиёрийликнинг қонунийлиги тамойиллари белгиланиб ҳар бири алоҳида модда билан ифодаланган.

Жумладан, мутаносиблик принципига — жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақомига (ҳуқуқий ҳолатига) ҳар қандай аралашишни назарда тутувчи чоралар маъмурий орган томонидан кўзда тутилган қонуний мақсадга эришиш учун мос ва етарли ҳамда манфаатдор шахсларга имкон қадар қийинчилик туғдирмаслиги лозим деб, таъриф берилган.

Қонун лойиҳасида маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан муддатларни, ҳужжатларга қўйиладиган талабларни белгилашнинг, шартларни ўрнатишнинг ва алоҳида қоидаларни ўрнатиш имкониятлари таклиф қилинмоқда. Умумий тартиб барча махсус тартиб-таомиллар учун зарурий ҳуқуқий чегараларни белгилаб беради. Лойиҳанинг бундай хусусияти ҳар қандай соҳада махсус тартибларни алоҳида қонун шаклида ишлаб чиқишга имкон беради. Ягона стандартларнинг жорий этилиши туфайли давлат хизматидаги ўзбошимчалик, суиистеъмол қилиш, коррупция ва бошқа салбий ҳолатлар жиддий камаяди.

Шунингдек, маъмурий жараённинг шаффофлигини таъминлаш, ишни кўриб чиқишда барча манфаатдор тарафларнинг лозим даражадаги иштироки учун шарт-шароитлар яратиш ҳам қонун лойиҳасида назарда тутилмоқда. Бунда ишни ҳал қилишда барча манфаатдор тарафларнинг фикрини инобатга олиш таъминланади.

Лойиҳанинг амал қилиш доираси маъмурий органларнинг алоҳида жисмоний ёки юридик шахслар ёхуд муайян хусусий белгиларга кўра ажратиладиган бир гуруҳ шахсларга ташқи таъсир кўрсатадиган фармойиш бериш фаолияти билан чекланади. Шу ўринда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмайдиган масалалар белгиланмоқда.

Маъмурий ишни кўриб чиқишнинг иштирокчилари (маъмурий орган, манфаатдор шахслар)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари батафсил белгиланмоқда, давлат органлари ва фуқаро, ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини акс эттирувчи маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий принциплари ўрнатилмоқда.

Лойиҳада маъмурий ишларни кўриб чиқишнинг ҳамда улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилишнинг аниқ тартибини, маъмурий ҳужжатни бекор қилиш, ўзгартириш ёки ҳақиқий эмас деб топиш асосларини белгилаш таклиф этилмоқда.

Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби билан боғлиқ алоҳида масалаларни (йиғилиш ўтказиш, ишни кўриб чиқишга тайёргарлик кўриш, бошқа ички идоравий расмий ҳаракатлар ва ҳоказо) қонуности ҳужжатлари, шу жумладан, тегишли регламентлар билан тартибга солиш белгиланмоқда.

"Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши: биринчидан, маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнининг стандартлашиши ва енгиллаштирилиши тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши: биринчидан, маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнининг стандартлашиши ва енгиллаштирилиши туфайли давлат органларининг фуқаролар ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларининг қонунийлиги ва шаффофлиги даражасини оширади;

иккинчидан, маъмурий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши ва бажарилишининг замонавий технологияларини синдириш асосида давлат хизматларини сифатли кўрсатиш учун шароитлар яратади;

учинчидан, маъмурий-ҳуқуқий соҳада вужудга келаётган муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинишининг тизимлилигини ва комплекслигини таъминлайди;

тўртинчидан, маъмурий тўсиқ ва чекловларни бартараф этади, сифатли давлат хизматларини кўрсатишга шароит яратади, давлат органлари томонидан маъмурий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши ва бажарилишининг аниқ тезкор механизмини таъминлайди;

бешинчидан, коррупциянинг олдини олишнинг самарали воситаси сифатида давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг фаолиятида шаффофликни таъминлайди.

Қонун лойиҳасининг кенг муҳокамасини ташкиллаштириш мақсадида, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси расмий сайтида, Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жойлаштирилган. "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши билан мамлакатимизда маъмурий тартиб-таомиллар амалга оширилишининг самарали ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилади.

Тўлқин КАРИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси

ОГОҲЛИК

Темир йўлларни иқтисодиётимизнинг қон-томирига қиёслашади. Бу бежиз эмас, албатта. Темир йўл соҳаси аҳоли ва хорижлик меҳмонларни узоғини яқин, оғирини енгил қилиш билан бирга, мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилади.

ЎЗ МУЛКИМИЗГА ЎЗИМИЗ ЗАРАР ЕТКАЗМАЙЛИК



Сўнгги йилларда мамлакатимизда темир йўл транспорти хизмати такомиллашиб, хизмат сифати сезиларли даражада ошди. Республикамиз бўйлаб бунёд этилган замонавий вокзаллар, қурилган янги йўллар, мавжуд темир изларни реконструкция қилиш ва электрлаштириш, юк ҳамда йўловчи ташишнинг замонавий усулларини жорий этиш борасида амалга оширилган ишлар туфайли мазкур тармоқ тараққиётнинг муҳим стратегик йўналишларидан бирига айланди, десак асло муболаға бўлмайди. Ҳар томонлама қулай, замонавий талабларга тўла жавоб берадиган, юқори тезликда ҳаракатланувчи ва энг асосийси хавфсиз бўлган темир йўл транспорти ҳамюртларимизнинг эҳтиёжларини қондириб келмоқда. Бу ўз навбатида соҳа ривожининг жадаллик билан одимлаётганидан дарак беради.

Афсуски, ижобий янгиликлар билан биргаликда киши дилини хира қиладиган салбий ҳолатлар ҳам учраб турибди. Буни масъулиятсиз ва назоратсиз ёшлар томонидан темир йўл ҳудудининг баъзи жойларида ўрнатилган девор ва панжара тўсиқларни бузиш, йўловчи поезд вагонларининг деразаларига шикаст етказишда кўриш мумкин. Ачинарлиси, ёшларни тўғри йўлга бошлаши лозим бўлган, ҳаётий тажрибага эга бўлган катталар кўп ҳолларда қоидабузарлар "фаолиятига" кўз юмишмоқда, баъзан ҳатто ўзлари ҳам "намуна" кўрсатишяпти. Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодексининг 121-моддасида локомотивлар, вагонлар, дарё ва ҳаво кемалари, шунингдек, ҳамма турдаги махсус транспортларининг ойналари ва ички жиҳозларига шикаст етказиш энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача жарима билан жазоланиши белгилаб қўйилган. Аммо ушбу қоидалар баъзи кимсаларга кор қилмайдиганга ўхшаб турибди. Биргина жорий йилнинг ўтган вақти давомида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" поездларида 18 маротаба тош отиш натижасида вагон ойналарини синдириш ҳолатлари қайд этилган. Транспортдаги ИИБ ходимларининг тезкор ва самарали олиб борилган ишлари натижасида қоидабузарлар аниқланиб, жазо чоралари кўрилган. Қоидабузарликларни бартараф этиш ва олдини олиш мақсадида мунтазам чора-тадбирлар амалга оширилянти. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси, Транспортдаги ИИБ ва «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бошқармаси ходимлари темирйўлга яқин ҳудудда жойлашган маҳаллалар, аҳоли пунктлари, ўқув муассасаларида тушунтириш ва профилактик тадбирларни мунтазам ташкил этиб келишмоқда. Аммо ҳар қандай вазиятда ҳам фуқароларимизнинг ўзлари теварак-атрофларида содир бўлаётган ҳар бир ҳолатга синчков бўлишлари, масъулият ва назоратни оширишлари давр талабига айланиб улгурди. Фуқаролик жамиятининг асосий тамойили жамоатчилик назоратини ўрнатишда гавдаланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, айрим оилалардаги болалар тарбиясидаги масъулиятсиз ёндашув, маҳалла аҳлининг эътиборсизлиги натижасида келажакда Ватанимиз корига ярайдиган инсон бўлиб камолга етиши мумкин бўлган фарзандларимиз балоғат ёшига етар-етмай қонун олдида жавобгар бўлиб қолишмоқда. Ёшлигидан "эгри йўлга" қадам қуйган келажагимиз эгалари ўзга фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига хавф солиш билан биргаликда темирйўлдан фойдаланаётган сайёҳларда тарихи минг йилликларга бориб тақаладиган халқимиз ва мамлакатимиз тўғрисида мавжуд бой ижобий фикрининг ўзгаришига сабабчи бўлаётганини билишармикан?! Зеро, кичкинадек кўринган қоидабузарликлар натижаси киши ўйлаганидан юз чандон оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини асло унутмаслигимиз лозим.

Фирдавс ХАЙРИДДИНОВ,
"Ўздавтемирйўлназорат" ДИ
Ахборот хизмати бошлиғи

Мактабгача таълим: МУАММО, МУНОСАБАТ, ИМКОНИЯТ

Бошланиши 1-бетда

– Болам Чилонзор туманидаги 407-мактабгача таълим муассасасига боради, – дейди шу ҳудудда яшовчи Гулмира Мўминова. – Бу ердаги шарт-шароитдан ҳам, муносабатдан ҳам қониқмайман. Жиҳозлар эскириб кетган, бино, иситиш тизими таъмирталаб. Ҳар қандай эҳтиёж ота-оналардан йиғиб олинган маблағ эвазига қондириб келиняпти. Буям майли, суяги қотмаган мурғак болаларимиз кунини қуёш нури тушмайдиган, зах тортиб кетган хоналарда ўтказишини тасаввур қилаверинг. Хоналар қишки мавсумга ўтилгандагина бироз исийди (болалар боғчаларида иситиш тизимларини алоҳида ажратиб, бинонинг ўзидан ўчириб-ёқишнинг иложини топишса, фарзандларимиз саломатлигидан бироз кўнглимиз тўқ бўларди). Энг қизиғи, ёнма-ён бўлган рус ва ўзбек гуруҳларидаги шарт-шароит икки хил. Ўғлим борадиган ўзбек гуруҳига ажратилган хонага кирсам, у ердаги аҳволдан кўнглим чўкади. Эски, қийшайиб кетган столларда овқатланишади, шу ерда машғулотлар ўтилади. Рус гуруҳидаги хона жиҳозлари ҳар ҳолда анча тузук. Тўлови бир хил бўлатуриб, нега яратилган шароит икки хиллигига ҳайронмиз. Буям ота-оналарнинг ёрдами-имкониятидан келиб чиқиб яратилган шароитдир, балки...

Бу бир онанинг биргина мактабгача таълим муассасаси аҳволидан атрофлича берган маълумоти, холос. Афсуски, кўплаб муассасаларда худди шундай манзарага дуч келиш ва худди шу каби шикоятларни эшитиш мумкин. Тизимда тўпланиб қолган қатор муаммолар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 30 сентябрда эълон қилинган "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида ҳам қайд этилган. Жумладан, унда муассасаларнинг моддий-техника базаси замон талабларига жавоб бермаслиги, тизимда фаолият юритаётган аксарият кадрлар ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, бу болаларни мактаб таълимига талаб даражасида тайёрлаш имконини бермаслиги таъкидланади.

Дарҳақиқат, мактабгача таълим тизимини қайта кўриб чиқиш масаласи бежиз давлат сиёсати даражасига кўтарилмади, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу борадаги ишлар ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширилмаса, бутун таълим тизимида сифат ўзгаришига эришиш, таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда осон кечмайди. Хўш, янги ташкил этилган вазирлик ишни нимадан бошлади ва режалар қандай?

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони вазирлик олдига қатор вазифаларни қўйди, – дейди Мактабгача таълим вазири ўринбосари Гулчехра Йўлдошева. – Бу соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқишдан тортиб, илғор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини таълим-тарбия жараёнига, шу жумладан, нодавлат секторида жорий этишни кўзда тутади. Бундан ташқари, миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ўйин ва ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар билан мактабгача таълим муассасаларни таъминлаш, тарбияланувчиларни рационал ва белгиланган меъёрлар асосида соғлом ва тўғри овқатлантиришни таъминлаш учун муносиб шароитлар яратиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш бўйича профилактика чора-тадбирларини мувофиқлаштириш сингари муҳим масалаларни мақсад қилганмиз. Фармонда таъкидланганидек, ҳозирги кунда мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олиш ўттиз фоизни ташкил этади. Ушбу фоизни кўтариш мақсадида республика ҳудудларида альтернатив (муқобил) мактабгача таълим бериш шакллари, жумладан, қисқа муддатли гуруҳлар жорий этилган. Бунга асосан 5-7 ёшли болалар жалб қилинган бўлиб, шу кунга қадар уларда 2700 нафардан зиёд бола таълим олмоқда. Бундан ташқари, фаолият юритмаётган, ноқонуний бегоналаштирилган (бошқа ташкилотларга фойдаланиш учун бериб юборилган) мактабгача таълим муассасаси биноларини вазирлик тизимига қайтариш, шунингдек, фаолият кўрсатаётган мактабгача таълим муассасаларида ёпиқ гуруҳларни очиш натижасида тизимга қамраб олинмаган болаларнинг аксариятини таълимга жалб қилиш кўзда тутилган. Биринчи босқичда мактабга тайёрлов гуруҳи, яъни 6-7 ёшдаги болаларни қамраб олиш режалаштирилган...

Айни пайтда кўпчиликни давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигидаги муассасаларни ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари, уларнинг бошқа МТМлардан фарқи қизиқтирмоқда. Суҳбатдошимиз ушбу саволга қуйидагича жавоб берди:

– Аввалambор барча – давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаси, қисқа муддатли гуруҳлар, давлат хусусий шерикчилиги асосида юритилаётган мактабгача таълимнинг асосий вазифаси, бу – болага сифатли таълим-тарбия беришдан иборат. Республикада давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳисобига барча болаларни муассасаларга босқичма-босқич қамраб олишни таъминлаш учун уларга солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш, бюджетдан субсидиялар ажратиш, шунингдек, таълим-тарбиянинг муқобил шаклларини амалиётга татбиқ этиш борасида ҳам бир қатор тадбирлар белгиланган. Жумладан, ҳозирги кунда давлат мактабгача таълим муассасалари биноларини давлат шерикчилиги асосида жисмоний шахсларга шартнома асосида бериш орқали ёпиқ гуруҳлар, мактабга тайёрлов гуруҳлари ташкил этила бошланди. Кўпчиликни қизиқтирган яна бир масала – эндиликда гуруҳларда 25 нафардан ортиқ бола қабул қилинмайди, бу жараён тўхтатилди. Янги йилдан бошлаб эса синов тариқасида Тошкент шаҳрининг бир неча туманларида онлайн қабул тизими жорий қилинади. Бунда ота-оналар "Ягона дарча"га мурожаат қилиб, ўз фарзандларини муассасаларга жойлаштириш ишини ҳал қилишлари мумкин.

Маълумки, жорий йил 26 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унда замонавий педагогик технологиялар ва методларни ҳисобга олган ҳолда фарзандларимизни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ходимларни моддий рағбатлантириш тизимини яратиш ва тажрибали юқори малакали ва касбий жиҳатдан пухта тайёрланган педагог кадрлар ҳамда тарбиячиларнинг таълим-тарбия жараёнига жалб қилиш кўзда тутилади. Мазкур қарорга мувофиқ ҳозирги кунда мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотга эга бўлган тарбиячиларга квоталар ажратилиб, улар суҳбат асосида олий ўқув юртларининг махсус сиртқи йўналишларига ўқишга қабул қилинди. Шу билан бир қаторда, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш, таълим-тарбия ишлари самарадорлиги ва кадрлар салоҳиятини ошириш, тизимни такомиллаштириш борасида ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Яқинда дастлабки семинар ташкил этилиб, унда вазирликнинг бир йиллик иш режаси, меъёрий ҳужжатлари ва янги замонавий таълим-тарбия дастури хусусида сўз юритилди. Бундан ташқари, тизимдаги амалиётчи мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи шакллантирилди. Эндиликда улар тажриба алмашиш мақсадида Корея Республикаси, шунингдек, қадриятлари миллий анъаналаримизга яқин бўлган бошқа хорижий мамлакатларга хизмат сафарларига чиқишади...

Тизимдаги ушбу хайрли ишлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 29 декабрдаги "2017–2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан бошланган эди. Унда 2200 та мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан, қишлоқ аҳоли пунктларида янги мактабгача таълим муассасаларини қуриш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган инвентар, ускуналар, ўқув-методик қўлланмалар, мультимедиа ресурслари билан таъминлаш режалаштирилган бўлиб, ушбу тадбирларни амалга ошириш учун жами 2.2 триллион сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Дарвоқе, мактабгача таълим тизимида бошланган бугунги ислоҳотлардан нафақат ота-она, давлатимизнинг ҳам умиди катта...

Холида ФАЙЗИЕВА,
"Hurriyat" мухбири

ЗАМОНАВИЙ ШИФОХОНА ЭЛ ХИЗМАТИДА

ТИББИЁТ

Дунёда инсон саломатлигидан бебаҳо неъмат бўлмаса керак. Авлодлар соғломлигига эришиш ҳам ҳар жиҳатдан шунга боғлиқ. Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида узоқни кўзлаб изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида ҳам аҳоли саломатлигини асраш, тиббий маданиятини ошириш ва соғлом турмуш тарзига амал қилишдек эзгу мақсад мужассам. Муҳими, юртимизнинг барча шаҳар ва энг чекка қишлоқларида кўп тармоқли поликлиникалар, шифохоналар, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган скрининг ва перинатал марказларига асос солингани халқаро талаблар даражасида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, тўсатдан ҳаётга хавф солувчи касалликларни ҳар томонлама даволашнинг замонавий усулларини амалиётга татбиқ этишда муҳим омил бўлаётир.

Суратлар муаллифи Шолазиз Шохидоев



Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 4-шаҳар клиник шифохонаси тубдан реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилгани халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2013 йил, 26 майда мазкур шифохонага ташриф буюрганларида, клиниканинг меъморий жиҳатдан тамомила янги қиёфада бўлиши, аҳолига замон талаблари даражасида тиббий хизмат кўрсатиш учун юксак савияли мутахассислар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратганди. Ана шу кўрсатмалардан келиб чиқиб, қисқа фурсатда клиниканинг барча бўлимлари замонавий қиёфага кирди. Биноларнинг атрофи тубдан ободонлаштирилиб, яшил ҳудудлар барпо этилди. Барча бўлимлар жаҳон тиббиётининг энг сўнгги ютуқлари асосида янги тиббий диагностика воситалари, жиҳозлар билан таъминлангани ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олди. Замонавий УТТ, МСКТ, рентген, лапароскопик воситалар, физиотерапия муолажаларини ўтказишда қўлланиладиган тиббий асбоб-ускуналар бунга мисолдир. Уларни тиббиёт соҳасининг нозик сир-синоатини пухта ўрганиб, амалиётга татбиқ қилаётган, содда қилиб айтганда, саломатлигимизга кўз-қулоқ бўлиб турган шифокорларнинг янги авлоди бошқараётгани кўзимизни қувонтиради.

– Муассасамиз аҳолига тиббиётнинг барча йўналишлари, хусусан, тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш борасида энг замонавий шароитларга эга бўлди, – дейди 4-шаҳар клиник шифохонаси бош шифокори Содиқ Алимов. – Бу имкониятлардан оқилона фойдаланиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада ошириш муҳим вазифамиздир. Шу мақсадда диагностика ва даволаш амалиётига жаҳон тиббиётининг янги услубларини татбиқ этиш борасида изчил иш олиб борилмоқда. Шифохонамизда Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва бир қатор ихтисослашган марказларнинг махсус кафедралари жойлашгани илмий-амалий ҳамкорликни ривожлантириш, тиббиёт ютуқларидан оқилона фойдаланишда муҳим омил бўлаётир. Айниқса, жарроҳлик амалиётида кундан-кунга янги услубларни муваффақият билан қўллаяпмиз. Шифохонамиз замонавий асбоб-ускуналар, тиббий жиҳозлар билан таъминлангани ишимизни анча енгиллаштирди. Замонавий тиббиёт ютуқларини қунт билан ўрганиб, соҳа ривожига ўз ҳиссамизни қўшишга куч-ғайрат бермоқда.



Мазкур шифохонада кунига бир неча жарроҳлик муолажалари муваффақият билан амалга оширилаётгани диққатга сазовордир. Ҳар бир бўлимда юксак илмий салоҳиятга эга мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Энг қувонарлиси, соҳа вакилларининг асосий эътибори шифохонага келган беморларни тезроқ даволаб, яқинлари бағрига қайтаришга қаратилгани таҳсинга лойиқ.

– Қарийб ўттиз йилга яқин шу шифохонада фаолият кўрсатиб келмоқдаман. Илгарилари бундай шароитлар қаёқда дейсиз, беморлар шаҳарнинг бир четига бориб, тиббий текширувлардан ўтиб келарди. Дори-дармонлар танқислигидан уларнинг ҳаётини сақлаб қолишнинг ўзи бўлмаган, – дейди шифохонанинг даволаш бўлими мудири Гулнора Қосимхўжаева. – Президентимиз ташаббуси билан шифохонамиз бугун бутунлай янги қиёфада қад ростлади. Нафақат беморлар даволаниб кетиши, балки шифокорларнинг ҳам ҳавас билан ишлаши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Замонавий лифтлар, беморлар хонасидаги қулайликларни оласизми, илмий лаборатория, дорихона дейсизми, ҳамма-ҳаммаси халқимизнинг сиҳат-саломатлиги йўлида қилинган хайрли ишларнинг ёрқин намунасидир. Шифокор учун беморларнинг дуосидан ортиқ бахт бўлмаса керак. Ҳар сафар шифо масканимиздан биздан миннатдор бўлиб, оиласи бағрига соғ-саломат қайтаётган инсонларнинг кўзидаги қувончни кўрганимда, касбимизнинг нақадар улуғлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламан. Шифохонамизга хорижий мамлакатлардаги энг нуфузли институтлардан кўплаб мутахассислар келиб, жарроҳлик амалиётларининг замонавий усулларини биз билан биргаликда амалга оширмоқда. Илмий лабораториямизда беохимик анализларни таҳлил қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу беморларни тезроқ дарддан фориғ бўлиши билан бирга, турли касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишимизда ҳам қулай имконият яратмоқда. Ана шу текширувлар таҳлили асосида даволашга киришиб, аҳоли саломатлигини таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Шифо масканимизда тиббиёт соҳасининг барча мутахассислари мавжуд, беморлар чет элларга чиқмасдан, ўзимизда даволаниши учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Ҳозирда кўпгина касалликлар соатлаб кечаётган жарроҳлик амалиёти билан эмас, лапароскопик хирургия йўли билан бартараф этилаётгани камдан-кам давлатларда кузатилади. Шунинг учун шифохонамизга нафақат юртдошларимиз, балки қўшни давлатлардан ҳам беморлар келиб, даволаниб кетмоқда. Давлатимиз томонидан тиббиёт соҳасини ривожлантириш ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун яратилган бундай имкониятлар илмий ишларимизни амалиётда қўллашга мустаҳкам замин яратмоқда.

Дарҳақиқат, даволаш ишларида қўлланиладиган асосий ускуналар хорижий мамлакатлардан келтирилган. Жумладан, Германиянинг Somatom Perspective, Хитойнинг УЗТ, Швейцариянинг Vita CR ва бошқа кўплаб аппаратлар тиббий текширувларни комплекс равишда амалга оширишда катта ёрдам бераётгани камдан-кам давлатларда кузатилади. Операция жараёнига юрак ютиб кирганимизда, оғир хасталикларга чалинган инсон ҳаётини сақлаб қолиш нақадар қийин эканига гувоҳ бўлдик. Қўлида наштар тутган шифокорларнинг барчасини ўй-хаёли фақат битта нарсада; эшиққа умид билан тикилиб турган беморларнинг яқинларига қувонч улашиш, ҳеч қандай хавотирга ўрин қолдирмасликдир.

– Илмий мутахассисларимиз томонидан олти ойлик иш фаолиятимиз таҳлил қилинганда, бошқа бўлимларга нисбатан хирургия бўлимида йилдан-йилга операциялар миқдори кўпайиб бораётгани аниқланди. Бу албатта, соҳа олдида турган энг долзарб муаммолардан бири, – дейди жарроҳлик бўлими бошлиғи Рустам Малайхонов. – Касални даволашдан кўра, олдини олган осон. Тўғри, ҳозир дори-дармонлар кўп, беморларимиз узоғи билан бир ҳафтада соғайиб кетмоқда. Лекин ривожланган мамлакатларга нисбатан бизда инсоннинг ички организми билан боғлиқ, масалан, ўт қопи тоши, ошқозон бези ва ичак касалликлари кўп учрайди. Сабаби, аҳолининг соғлом турмуш тарзига бўлган эътибори суст. Тўғри овқатланиш маданиятига камдан-кам одам амал қилади. Дорихоналардан рецепт билан дори олинади, лекин айримлар чўнтагида дори олиб юришига одатланиб қолган. Аниқроғи, овқат ўрнига "дори" ейди, яъни дорисиз бир кун ҳам яшолмайди. Ўзининг ичи "дорихона"га айланганини етмагандек, бошқаларга ҳам "шу дорини ичсангиз, тезроқ тузалиб кетасиз" деб унга ҳам улашади. Дори ўз номи билан дори. Ким қандай дори берса, шуни ичиб кетаверадиганлар бу саломатлигига жиддий таъсир кўрсатишини билмайди. Менимча, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қиладиган маънавий ишларга алоҳида эътибор бериш керак. Айниқса, рўза ойлари оч қорнига бирдан тўйиб овқатланиш ичакларни тутилиб қолиши ёки ошқозонни ишдан чиқаришига олиб келишини тушунтирадиган, ўз саломатлигимизга ўзимиз масъул бўлишга ундайдиган маърузаларга эҳтиёж сезилади. Баъзан аҳолининг оддий тиббий қонун-қоидаларни ҳам билмаслиги кишини таажжубга солади. Масалан, тўсатдан кимдир бир жойдан йиқилиб тушса ёки бирор бахтсиз ҳодиса туфайли ҳушидан кетса, қон тўхтатиш нари турсин, ҳатто қандай қилиб ёрдам беришни ҳам билмайди. Авваллари мактабдан тортиб, коллеж, олий ўқув юртларигача ҳафтада ёки ойда бир марта саломатлик кунлари ўтказилиб туриларди. Одамлар гавжум жойларда аҳоли саломатлиги билан боғлиқ рекламаларга алоҳида ўрин ажратилиши керак. Агар юртимизнинг узоқ гўшаларига олиб борадиган поездлар борингки, метро, савдо дўконларида ана шундай реклама ёки роликларни намойиш этишга ўн дақиқагина вақт ажратилса, одамлар тиббиёт ҳақида бир олам тасаввурга эга бўлади. Ҳам ўзи, ҳам давлатимизнинг саломатлик йўлида сарф қилаётган қанчадан-қанча маблағини тежаб қолади. Узоқ умр кўриш ва доим соғлом бўлишнинг сири фақат соғлом турмуш тарзида эканини унутмайлик.

– Шифохонага тез тиббий ёрдам машинасида жуда оғир аҳволда келгандим. Ичимдаги оғриқ зўрайгандан-зўрайгани учун шифокорлар зудлик билан ўт пуфагимдаги тошларни олиб ташлашди. Ҳозир ўзимни анча тетик ҳис қиляпман, – дейди тошкентлик 44 ёшли бемор Саодат Холматова. – Ҳаммаси нотўғри овқатланиш, асаббузарлик ва ўз вақтида дам олмасликдан экан. Яқинларим беш соатда операциядан чиққанимни айтганда, ўзимни дунёга қайта келгандек ҳис қилдим. Ҳаётимни сақлаб қолган қўли енгил шифокор Обиджон Ризаев ва ҳамшираларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Мазкур шифохона юртбошимиз Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан тубдан реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилганига эндигина бир йил тўлган бўлса-да, шифокорлар эришган ютуқларни санаб адоғига етолмайсиз. Албатта, тиббиёт кўп тармоқли соҳа. Ҳар бир йўналишда тиббий текширувлар, муолажалардан тортиб, жарроҳлик амалиётигача янгича услубда муваффақият билан илгари сурилаётгани тиббиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшади. Демак, ҳали клиниканинг ўқув, илмий, даволаш бўлимлари кенгайиб, истиқболдаги улкан режалар амалга оширилади. Келажакда марказдаги ягона шифохона нафақат ватанимизда, балки халқаро тиббий марказлардан бирига айланишига ишончимиз комил.

Адиба УМИРОВА,
"Hurriyat" мухбири

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ МАКТАБИ ОЧИЛДИ

Фарғонада Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан Ислом ҳуқуқи мактаби ташкил этилди.

Бугунги глобаллашув даврида аҳоли, айниқса, ёшларни турли бузғунчи ғоялар таъсиридан асраш, миллий-диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавиятимизни юксалтириш, айни пайтда жаҳон илм-фани тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган, халқимизни маърифатга бошлаган буюк алломаларимиз меросини ўрганиш, тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 15 июнь куни пойтахтимизда "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусида ўтказилган анжуманда сўзлаган маърузасида бу масалага устувор аҳамият қаратди. Ислом маданиятига, умумбашарий цивилизацияга беназир ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг диний-маънавий меросини ўрганишга ихтисослаштирилган Самарқандда – Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий маркази қошида калом илми, Фарғонада – Марғиноний илмий марказида ислом ҳуқуқи мактаби, Бухорода – Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёда – Абу Муин Насафий марказида ақида илми мактабини ташкил этиш ҳақидаги ташаббусини барча катта мамнуният билан кутиб олди.

Янги иш бошлаган мазкур Ислом ҳуқуқи мактабида вилоятимиздаги имом-хатиблар, ноибларга Бурҳониддин Марғиноний каби алломаларимизнинг асарлари чуқур ўргатилади. Мактабда тингловчилар учун барча шароит яратилган.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

Хотин-қизлар доимий эътиборда

ФАОЛИЯТ

Пойтахтимиздаги "Whyndham" меҳмонхонаси анжуманлар залида "Мамлакатимиз стратегик мақсадларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни" мавзуида Республика форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолияти ҳақидаги фильм билан бошланган мазкур анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, БМТ Тараққиёт дастури лойиҳа раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда фаолият олиб бораётган ННТ вакиллари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси марказий аппарати ходимлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, БМТ Тараққиёт дастури, Фридрих Эберт фонди томонидан ташкил этилган. Тадбирни Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Шоира Нурматова очиб берди. Сўнгра Фридрих Эберт номидаги фондининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Найля Резяпова сўзга чиқиб республикамиздаги хотин-қизлар фаолияти, уларнинг эришаётган ютуқлари хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

– 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш ва уларда иштирок этиши, халқнинг истак ва хоҳишларидан келиб чиқиб иш тутиши лозим ва бу Ўзбекистонни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, – деди Франциянинг техник ҳамкорлик ва ривожланиш агентлигининг Ўзбекистондаги филиали директори Эдоардо Да Рас.

Шундан сўнг "Оилада ижтимоий-маънавий соғлом муҳитни шакллантиришда нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг ўрни" ҳақида Жиззах вилояти "Қалб нури" аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Нодира Алимова алоҳида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, БМТ Тараққиёт дастури Самарали бошқарув бўлими раҳбари Комила Муҳаммадхонова, Адлия вазирлиги жамоат, нодавлат-нотижорат ва диний ташкилотлар бошқармаси бош маслаҳатчиси Умид Шодиев, Андижон вилояти "Меҳримиз сизга аёллар ва уларнинг оилалари ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш" маркази директори Холидахон Мирзарахимова, Фарғона вилояти "Меҳржон аёллар ва болалар" маркази раҳбари Хуршида Иброҳимова ва бошқалар республикамизда хотин-қизларнинг ўрни, уларни ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш жамиятда аёлларнинг ўрнини янада мустаҳкамлаш, улар фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар хусусида тўхталиб ўтишди.

Юртимиз хотин-қизларининг энг йирик нодавлат ташкилоти ҳисобланган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 200 дан ортиқ бўлим ва бўлинмалари, 44 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлари ижтимоий шериклик тамойилларига амал қилган ҳолда фаолият юритиб келмоқда. Бугун жамиятнинг ҳар бир соҳасида хотин-қизларнинг фаол иштироки, ташаббуси ва илғор ғоялари яққол кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга БМТ, миллий жамоат ташкилотлари томонидан ҳамкорликда амалга оширилаётган тадбирлар ҳам аёллар манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва қарор топтириш, опа-сингилларимизнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш масалаларига йўналтирилган.

Анжуман давомида нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг мамлакат иқтисодий-ижтимоий равнақидаги иштирокини ошириш механизмларини ишлаб чиқиш, хотин-қизлар соҳасида фаолият олиб бораётган нодавлат-нотижорат ташкилотлар муаммоларини таҳлил этиш, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш йўллари борасида фикр алмашилиб улар асосида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш белгилаб олинди.

Шунингдек, мазкур форумда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси билан Ўзбекистон нодавлат-нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси кенгаши, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва марифат маркази ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Шунингдек, анжуман иштирокчиларига Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз" номли китоби тухфа қилинди.

Мамлакатимизда аёллар масаласи бўйича фаолият олиб бораётган нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятини рағбатлантириш ва Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси билан самарали ижтимоий шериклик тизимини ривожлантириш, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётда фаоллигини ошириш мақсадида ташкил этилган тадбир барчада илиқ таассурот қолдирди ҳамда келажакда ушбу соҳа вакиллари зиммасига катта масъулият юклади.

ЎзА олган сурат

Шунингдек, 10-ноябрь куни Ўзбек миллий академик драма театрида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Меҳнат вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси томонидан "Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси – 2017" кўрик-танловининг Республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ҳозирда юртимизнинг энг чекка ва олис ҳудудларида ҳам тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали оилалар фаровонлигини юксалтиришга эътибор кучаймоқда. 2016 йилдан буён Давлат дастури доирасида ўтказиб келинаётган "Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси" кўрик-танлови юртимиздаги касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг лойиҳаларини ижтимоий ҳаётга кенг татбиқ этиш, ўзаро амалиёт алмашиш ҳамда илғор тажрибаларни оммалаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Тадбирни Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маъруфова, Марказий банки Тижорат банкларининг инвестициялар портфелини мониторинг қилиш департаменти бошлиғи Мухтор Шоназаров ва "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси раиси Гулнора Маҳмудова очиб берди.

Тадбирда "Қишлоқ хўжалиги соҳасида энг яхши тадбиркор қиз" номинацияси бўйича 26 нафар, "Сервис соҳасида энг яхши тадбиркор қиз" номинациясида 27 нафар ва "Ишлаб чиқариш соҳасида энг яхши тадбиркор қиз" номинациясида 29 нафар қиз махсус диплом, тижорат банкларининг сертификатлари, ташаккурномалар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Андижон вилояти Саноат ва касб-ҳунар коллежи битирувчиси Санобар Турсунова ҳам ҳукуматимиз хотин-қизларга яратиб бераётган имкониятлардан кенг фойдаланиб келаётган ёшлардан. Санобар "Қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича энг яхши лойиҳа" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

– Ғолиб бўлганимдан хурсандман. Буларнинг барчаси муҳтарам Юртбошимизнинг ёшларга, хусусан, хотин-қизларга яратиб берган имкониятларининг самараси, деб биламан, – дейди Санобар.

Хотин – қизларимизнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам самарали фаолият юритилаётгани қувонарли ҳолдир.

Сабоҳат СУЛТОНОВА,
"Hurriyat" мухбири

МАТБУОТ ТАРИХИ БИЛИМДОНИ

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Илм билан шуғулланиш, бирор соҳани яхши кўриш, уни ўрганиш ва изланишга бўлган иштиёқ — мубталолик, аслида. Агар у бўлмаса, фанда янгиликка эришиб бўлмайди. Чунки илм билан шуғулланиш қандай фаолият тури бўлишидан қатъи назар, узоқ давом этадиган, натижаси тез кўринмайдиган мураккаб ва машаққатли жараён бўлиб, тадқиқотчидан катта куч, сабр ва матонат талаб этади. Фанда қилинган янгилик, ихтиро, яратилган асар тинимсиз ўқиб-ўрганиш, қайта-қайта манбаларни солиштириш, таҳлил этиш, тажриба ўтказиш, синаб кўриш, баъзан самарасиз кетган вақт, машаққатли меҳнат эвазига юзага келади.

Устозимиз — таниқли олим, публицист, филология фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, "Олтин қалам" миллий мукофоти совриндори Бойбўта Дўстқораев илмий ижодий фаолиятини кузатиш асосида, унинг ўзбек журналистикаси тарихини ўрганишга бўлган иштиёқининг баландлиги бу соҳада жиддий, фундаментал аҳамиятга молик тадқиқотларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Бойбўта Дўстқораев ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетида 1969 йилдан иш бошлаган бўлса, қарийб ярим асрлик умрини ўқитувчи сифатида шу соҳада журналист кадрлар тайёрлашга ҳамда миллий матбуот тарихини изчил ўрганишга бағишлади.

Бойбўта Дўстқораев дастлаб адабий танқидчилик борасида тадқиқотлар олиб борди. 1986 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилганидан кейин, ўзбек матбуот тарихини ўрганишга киришди. Бунга сабаб XIX аср охири ва XX аср бошлари миллий адабий муҳитни тадқиқ қилиш жараёнида ўзи фаолият олиб бораётган журналистика соҳаси, аниқроғи, миллий матбуот тарихига оид ўрганилмаган манбаларнинг кўплиги бўлган. Уларни тадқиқ қилиш, ўрганиш асосида домла миллий матбуот тарихи ва унинг етук намояндалари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавваркори, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Ҳожи Муин, Убайдулла Асадуллахўжаев, Саидризо Ализода сингари маърифатпарвар миллий зиёлиларнинг журналистик фаолияти ҳақида ёзган мақолалари билан илмий жамоатчиликка жуда кўп янгиликларни тақдим этди. Кейинчалик ўзбек журналистикаси тарихи бўйича, таъбир жоиз бўлса, ягона фундаментал тадқиқот устида жиддий иш олиб борди.

Бу тадқиқотнинг қиммати шунда эдики, XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида миллий матбуотнинг тутган ўрнини тўғри ва холис кўрсатиб берди. Домла ўзи ўрганган маърифатпарварларнинг ҳар бирига ва уларнинг шахсига чуқур ҳурмат билан ёндашди. Айниқса, буни домланинг матбуотда чоп этилган Беҳбудий, Мунавваркори, Чўлпонга бағишланган мақолалари мазмунидан ҳам кўриш мумкин.

Илмда тадқиқотчига зарур бўлган энг муҳим талаб, илмий муаммони ҳар томонлама синчиклаб, сабр билан ўрганишдир. Чунки илмий муаммога битта манба ёки унинг атрофидаги фикр-мулоҳазаларни ўрганиш билангина ойдинлик киритиб бўлмайди. Аввало, юзага келган воқеликнинг объектив-субъектив сабаблари, уларнинг яратилган назарияларга мос келиш-келмаслигини чуқур илмий таҳлил орқали ўрганиш, манбаларни, олимлар фикрларини солиштириш орқали ўзи илгари сураётган илмий ғоянинг аҳамиятини асослаб бериш талаб этилади. Бунинг учун қанча китобни ўқиш, қанча маълумотни эринмасдан кўриб чиқиш зарур. Баъзан битта сўз, битта иборанинг қўлланишида муайян мақсад, илгари сурилган жиддий даъво бўлиши мумкин. Буни тадқиқотчи тушуниши, билиши ва ҳисобга олиши жуда муҳим. Шу маънода Бойбўта домла илмда шошма-шошарликни қабул қилолмасди. "Шошиб қилинган ҳар қандай тадқиқот, илмий ишнинг умри ўзи каби қисқа, аҳамиятсиз", деб ҳисобларди. Илмий тадқиқот устида иш олиб бораётганларнинг тинимсиз изланиши, ўз устида мунтазам ишлаши, ҳаракатчанлиги, тезкорлигини қадрлаган ҳолда шошиб фикр билдириш, ўйламай айтилган гапнинг хато эканлигини асослаб берарди. Ўзи эса илмга ўта босиқлик билан ёндашиб, мавзуни обдон ўрганиб чиқарди, бу борада мутахассисларнинг фикрлари, илмий қарашларини таҳлил қиларди. Топган янги илмий манбани дарров эълон қилишга шошилмас, унинг устида узоқ, ҳафталаб, баъзан ойлаб ишлаши мумкин. Ҳатто битта янги сўзни учраттудай бўлса, унинг маъносини илмий манбалардан қидирар, агар ўша маънодан кўнгли тўлмаса, яна бошқа луғатлардан, мумтоз адабиёт ҳақидаги тадқиқотлар, шоиру ёзувчиларнинг асарларига мурожаат қиларди. Унгача бу сўзни ҳеч қаерда қўлламасди. Матбуотда, илмий доираларда кам кўринса ҳам, ҳар бир чиқишида асосли илмий янгилик, ҳали айтилмаган фикр бўлар ва илмий жамоатчилик томонидан эътироф этиларди. Шунинг учун бўлса керак, соҳа илми кишилари ва адабий жамоатчилик Бойбўта домлани яхши билади, олим сифатида ҳозир ҳам ҳурмат қилади.

Илмий-педагогик фаолиятимиз давомида домла билан бир жамоада кўп йиллар бирга ишладик. Домла билан бўладиган оддий суҳбатларнинг ҳам ўзига яраша маърифий юки бўларди. Бундай суҳбатлардан албатта бирор янгилик, ҳеч бўлмаганда янгича ёндашувни ўрганардик. Ўқиган янги асари бўладими ёки архивдан топган янги маълумотими, у ҳақида шундай ишонч ва меҳр билан гапирардики, илмга мубталолик шу бўлса керак, деб ўйга борардик. Биз шогирдлар, домлани кўп эшитсак-да, аммо ҳар нарса ҳақида гапиришга ботинолмасдик. Чунки айтилган фикр ёки мулоҳазам нотўғри эмасмикин, деган ҳадик домланинг олдида ҳар қандай тадқиқотчини сергаклантирарди. Домла журналистика ва адабиётшунослик соҳасидаги ўзгаришларни мунтазам кузатиб бориши – у кишига хос ажойиб одатлардан. Нафақат ҳамкасблари ёки шогирдлари, ҳатто талабаларнинг ижодини ҳам кузатиб борарди. Мақоласи газета ва журналда чоп этилган талабани чақириб, мақолани ўқиганини ва ўзининг у ҳақдаги мулоҳазасини билдириб қўярди.

Бойбўта домла матбуот тарихини ўрганишда биринчи манбадан фойдаланиш, ҳақиқатни ойдинлаштиришда тарихий ҳужжатларга ойдинлик киритишда жуда муҳим роль ўйнашини теран ҳис этадиган олимлардан. Бунинг учун тинимсиз изланишдан, республика давлат архивига бориб, эски қўлёзмаларни кўчиришдан чарчамади. Уларнинг бир қисми матбуотда чоп этилган мақолалар орқали ёритилган бўлса, қолганлари 2009 йилда нашрдан чиққан "Ўзбекистон журналистикаси тарихи" дарслигида акс этган.

Бойбўта домланинг матбуотимиз тарихи ҳақидаги қизиқарли ҳикояларини, ҳали ҳеч ким айтмаган, ҳеч ерда ёзилмаган янги маълумотларга бой маърузаларини тинглаган, илмий-оммабоп мақолаларини ўқиганлар борки, бу китобни анча аввалроқ кутишган эди. Домла дарслик яратишни режалаштирганига қарамай, уни чоп этишга, жамоатчилик эътиборига ҳавола қилишга шошилмади. Натижада, ўзбек журналистикаси тарихида салмоқли, мукаммал тадқиқот яратилди. Балки мукаммал деганимиз бир оз бўрттириш, муболаға бўлиб кўриниши мумкиндир. Аммо бу соҳани яхши билган, айниқса, миллий матбуотимиз тарихига қизиққан, у билан яқиндан танишганлар, жилла қурса шу пайтгача бу соҳада яратилган илмий асарлар, ўқув қўлланмалари, дарсликларни варақлаган ўқувчи фикримизнинг тўғри эканлигини тасдиқласа керак, деб ўйлаймиз.

"Ўзбекистон журналистикаси тарихи" дарслигининг шу пайтгача яратилган бошқа манбалардан фарқли жиҳати шундаки, унда миллий матбуотимизнинг акс этмаган саҳифаларига ўрин берилган. Масалан, миллий журналистикамиз тарихида Бухоро матбуоти умуман ёритилмаганди. Дарсликда XX асрнинг бошларида Бухородаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ва бу ерда чоп этилган "Бухорои шариф", "Турон" сингари миллий газеталар ҳақида муфассал баён қилинади. Шунингдек, чор Россияси мустабид тузумининг нашри "Туркистон вилоятининг газети" билан миллий матбуот орасидаги мафкуравий кураш масалаларига эътибор қаратилган. Унда XX аср бошларида зиёлиларимизнинг ўта оғир шароитда миллий матбуотни ташкил этишдан кўзлаган мақсадлари, "Тараққий", "Хуршид", "Шуҳрат", "Осиё" газеталари орқали мустабид тузум билан мафкуравий муҳораба олиб бориши, миллий зиёлилар ижтимоий-сиёсий онгининг шаклланишига хизмат қиладиган ушбу нашрларнинг ёпилиши ҳақида қимматли фикрлар берилган.

Ахборот хуружлари кескинлашган ҳозирги даврда, миллий журналистикамизнинг мафкуравий асосларини белгилашда дарсликда илгари сурилган фикр ва ғоялар ниҳоятда қадрлидир. Бундан ташқари, дарсликда ўрганилган, тадқиқ этилган ҳар бир манбага илмий нуқтаи назардан холис ёндашилган.

Соҳа тараққиёти учун ниҳоятда зарур бўлган мазкур дарсликни ёзишга бел боғлаган устозимиз ёш олим ва тадқиқотчиларга ҳақиқий маънодаги фидойи олим сифатида ибрат намунасини кўрсатган. Бундай дейишимизга сабаб Бойбўта домла ҳар бир давр, воқелик билан боғлиқ факт ва манбаларни изчил ўрганган, кутубхоналар, хусусан, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Китоб палатаси, Ўзбекистон Давлат Марказий архивларда ўша даврда чоп этилган вақтли нашрларга қайта-қайта мурожаат қилган. Аммо миллий газета ва журналларнинг ҳамма намуналари ҳам кутубхоналарда мавжуд эмас эди. Мисол учун «Шуҳрат», кейинроқ чоп этилган «Шўрои ислом» газеталари мазкур муассасаларда йўқ эди. Ёки Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Хуршид» ҳамда Бухорода чоп этилган "Турон" газетасининг фақат биттадан сони бор эди, холос. Қолган нашрлар ҳам тўлиқ эмас эди. Масалан, «Садои Фарғона»нинг 123 та сонидан 80 дан ортиғи, «Садои Туркистон»нинг жами 67 та сонидан 40 таси (ҳаммаси бўлиб 87 сони чиққан), «Ҳуррият» газетасининг 50 дан ортиқ сони бор. «Ҳуррият», «Кенгаш» каби журналларнинг нашрлари сақланмаган. Бойбўта домла эса ушбу нашрларнинг кутубхоналарда йўқ сонларини Самарқанд, Бухоро, Қўқон шаҳарларидаги кутубхона ва музейлар, одамларнинг шахсий кутубхоналаридан топиб, тадқиқ этган. Ҳатто айрим нашрларини хориждан топиб ўрганган. Мисол учун "Ойина" журналининг кутубхоналарда йўқ сонларини ака-ука Гумбольдт университети профессори Ингеборг Балдауф ёрдамида Германиядан нусха кўчиртирган.

Баъзан кунлаб, ойлаб кутубхона ва архивларда сарғайиб, титилиб кетган газета саҳифаларида араб имлосидаги мақолаларни, ҳужжатларни эринмасдан ўзбек имлосига кўчирар, улардаги янги факт ва далиллар, уларнинг изоҳини топарди. Кейин ёзган илмий мақолаларида бу манбаларни шунчаки бериб қўймасдан, журналистика тарихи мутахассиси сифатида ўзининг ёндашувларини изчил ифода этарди.

Бойбўта домланинг илмий-педагогик ҳамда публицистик фаолияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Олий таълим муассасасида талабаларга сабоқ бериш билан бирга ўрганган янги маълумотларга бой, ўзига хос қараш, ёндашувга эга, ўқувчини ўйлашга, фикрлашга ундайдиган публицистик мақолалари билан матбуотда мунтазам иштирок этарди. Ушбу чиқишларида домла кўтарилган масаланинг илмий-назарий, амалий моҳиятига эътибор қаратиш билан бирга, унинг тарбиявий аҳамиятига ҳам алоҳида урғу бериб ўрганарди. Шу боис унинг ёзган ҳар бир мақоласи, маърузаси ёки чиқишида олимларга хос билимдонлик билан бирга, айтилаётган фикрга нисбатан одоб ва андиша билан ёндашиш сезилиб туради. Илм кишиси сифатида, албатта касб одобига риоя этади, муайян мавзуда ўзидан бошқаларнинг фикрини ҳурмат қилади ва улар билан ҳисоблашади.

Ўзбекистонда Бойбўта домладан сабоқ олмаган, сермазмун маърузаларини, соҳага оид қизиқарли ҳикояларини тингламаган журналист бўлмаса керак. Ахир муаллим умрининг оз эмас, кўп эмас, 40 йилдан ортиғини журналист кадрларни тайёрлашга сарфлаб, ўзининг мактабини яратган олимлардан ҳисобланади. Ҳозир домла уйларида, нафақадалар. Йўқлаб бориб, суҳбатидан баҳраманд бўламиз. Шундай суҳбатларда ўқиган китоблари, мақолалари ҳақида гапириб, баъзи муаллифларнинг қарашларига нисбатан муносабатини билдирган бўлади. Шу енгил мулоҳазаларда ҳам салмоқли фикр, жўяли асос бўлади. Бу соҳасининг билимдони, фидойиси Бойбўта домланинг олимлик фазилатидир.

Бундан беш йил аввал Ўзбекистон миллий матбуот марказида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, раҳматли Абдулла Орипов Бойбўта Дўстқораев ҳақида шундай деганди: "Шундай одамлар бор, у ҳақида гапирганинг сари гапиргинг келади, Бойбўта ҳам ана шундай ҳар қанча гапирсанг ҳам гапиргинг келаверадиган маънавияти бой, зукко олимлардандир". Ўшанда домла 70 ёшга кирганди. Вақтнинг югуриклигини қаранг. Бир зумда беш йил ўтиб, ўзбек журналистикаси тарихининг саркаш билимдони Бойбўта Дўстқораев табаррук 75 ёшга кириб қўйибди. Бу улуғ ёш билан барча ҳамкасблари ва шогирдлари, собиқ ва содиқ талабалари чин юракдан табриклаймиз. Умрингиз узоқ бўлсин, устоз, деймиз.

Акбар НУРМАТОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси мудири,
филология фанлари номзоди, доцент.
Назира ТОШПЎЛАТОВА,
филология фанлари номзоди, доцент

ТАРАҚҚИЁТ РОБИТАЛАРИДА

Дунёда энг беғубор қалб эгалари бу болалардир. Улар учун ёзилажак асарлар ҳам шу беғуборликка ҳамоҳанг, уйғун тарзда бўлмоғи лозим. Ёш китобхоннинг билим савиясига мос ҳаётий ва хаёлий манзараларни тушунарли тил, шакл ва тасвирий воситалар орқали жонлантириш болалар адабиётининг муҳим шартларидан бири эканлиги барчамизга маълум. Эртамиз эгалари бўлмиш фарзандларимизнинг Ватанга садоқатли, билимли, тарбияли бўлиб вояга етишларида ҳам айни шу асарларнинг ўрни беқиёсдир.

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

ривожи йўлида

Бироқ сўнгги йилларда ўзбек болалар адабиётида кўзга ташланаётган баъзи хато ва камчиликлар бу йўналишда ҳали кўп изланишда, ҳаракатда бўлиш кераклигини кўрсатмоқда. Болалар адабиёти йўналишида жанрлар хилма-хиллигига қарамасдан, аксар ижодкорлар назм билан чекланиб қолмоқда. Насрда яратилаётган ижод маҳсуллари қўл билан санарли. Нашриётлар томонидан чоп этилаётган болалар адабиётининг аксарини жаҳон халқ эртаклари ҳамда ўзбек халқ эртаклари ташкил этаётгани эса ташвишланарли ҳол. Соҳа истиқболи ривожи йўлида наср йўналишидаги асарлар сони ҳамда сифатини кўтариш, дунё болалар адабиётининг янги намуналари таржимасини қониқарли йўлга қўйиш, болалар аудиториясига мос бўлмаган асарларнинг сотувга чиқишидан эҳтиёт бўлиш ҳамда мумтоз адабиётнинг ёш китобхонларга мос намуналарини чоп этиш ишларига алоҳида эътибор қаратиш ҳар қачонгидан кўра долзарб вазифага айланмоқда.

Яқинда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ташкил этилган "Болалар адабиёти: муаммолар ва истиқбол" мавзуидаги илмий-амалий семинарда ҳам айни шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Унда таниқли ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, ноширлар, болалар нашрлари вакиллари ҳамда ёш китобхонлар иштирок этишди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрда "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Айтиш жоизки, айни шу қарордаги *"китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш, ноширлик ва матбаа соҳаларини янада ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган китобларни, айниқса, болаларга мўлжалланган адабиётларни чоп этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш"* банди болалар адабиётига кўрсатилаётган алоҳида эътибордан дарак. Ва айтиш мумкинки, айни шу қарор юқоридаги каби муаммоларнинг ижобий ҳал этилишида ҳам хизмат қилади.

Шунингдек, тадбир давомида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан болалар адабиётига ихтисослашган нашриётларга молиявий имтиёзлар бериш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилаётгани, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда китоб маҳсулотларини нашриётлардан ҳудудларга арзон нархларда етказиш, онлайн буюртма бериш ва уларни почта орқали китобхонларга етказиб бериш бўйича махсус тизим ишлаб чиқилгани ва ҳозирда уни амалиётга татбиқ қилиш чоралари кўрилаётгани алоҳида қайд этилди.

Бундан ташқари, агентлик тизимидаги нашриёт-матбаа корхоналари томонидан ёшларни китобга ошно қилиш борасида ҳам кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан "Мактаб адабиёти хрестоматияси" рукнида мактаб дарсликларига киритилган ўзбек ва жаҳон адибларининг 44 номдаги асари нашр этилди. Кенг қамровли, яъни умумтаълим мактаблари билан бирга олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабалари ва кенг китобхонлар оммаси учун "Адабиёт хрестоматияси" рукнида китоблар тайёрланиб, чоп этила бошланди. Бу китобларда ўзбек ва жаҳон адабиётининг ёрқин намояндалари қаламига мансуб сара асарлар жой олган. "Жаҳон болалар адабиёти" рукнида ҳам 10 жилдли китоблар нашрга тайёрланди.

Тадбир доирасида Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган «Ўзбек болалар адабиёти антологияси» китоби тақдимоти ҳам ўтказилди.

Ўйлаймизки, 2017 йил 8 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг амалда татбиқ этилаётгани ҳам бу соҳадаги мавжуд муаммоларга барҳам бериб, ёш ўғил-қизларни мутолаага тайёрлашда яна бир бор туртки бўлади.

Гўзал МАЛИКОВА,
"Hurriyat" мухбири

Имкониятни суиистеъмол қилмайлик

ГАЗЕТХОН ФИКРИ

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида биз, фуқароларга жуда катта имкониятлар тақдим этилди. Бугун шахсан давлат раҳбарининг ўзига интернет орқали тўғридан-тўғри мурожаат қилишимиз мумкин. Халқ қабулхоналари ташкил этилди, вазирлик ва идораларга, умуман, барча давлат ташкилотларига Президент томонидан "Одамлар дардини тингланг, бирор мурожаат эътиборсиз қолмасин!" деган халқчил талаб қўйилди. Шунинг ўзи ҳам эртанги кунга бўлган ишончимизни қанчалар оширди, ҳар биримизнинг кўнглимиздаги "келажагим бугунимдан-да яхшироқ бўлади, кўзлаган орзу-ниятларимга албатта эришаман!" деган умид аланга олди. Чунки Юртбошимизнинг чиқараётган ҳар бир қарор ва фармони келгуси ҳаётимизнинг янада гўзал, фаровон бўлишидан дарак бераётир. Лекин оддий томошабин-кузатувчи бўлиб қолмасдан, юз бераётган ижобий ўзгаришларга биз ҳам ўзимизни бевосита масъул инсонлардан деб билсак, жараёнларда ўз меҳнатимиз, фаолиятимиз билан иштироқ этсак, нур устига нур бўлмайдими? Бу борада бизга нима ёки ким халақит бераяпти?

"Hurriyat" газетасининг 2017 йил 20 сентябрь 38-сонида чоп этилган "Қўл билан берганга қуш тўймас" (муаллиф Гўзал Маликова) сарлавҳали мақолани ўқиб, бугун биз фуқароларга яратилган яхши имкониятларни — келгусида турмушимизни яхшилаб олгач, эл-юртга қиладиган эзгу хизматимиз учун бир рағбат, иштиёқ уйғотувчи гўзал бир восита сифатида эмас, тирикчилик манбаи деб ўйлайдиган, имтиёзларни суиистеъмол қилишни одатга айлантириб олган кишилар борлигидан ниҳоятда афсусланиб кетдим.

Очиғи, интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали кимнингдир Президент виртуал қабулхонасига хат ёзиб, ўзига уй, машина, моддий ёрдам беришларини сўрагани тўғрисида ўқиган, бунга кўп ҳам аҳамият қаратмаган эдим. Чунки элчиликда бунақалар чиқиши табиий. Ахир ҳаммадан ҳам кенг дунёқараш, теран тафаккур талаб қилмайсиз-ку. Қолаверса, мурожаат қилганларнинг ҳаммаси ҳам текинтомоқ, тамагир, меҳнатдан қочиб — оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юриб ўрганган кимсалар эмаслиги аниқ. Улар орасида ҳақиқий муҳтож кишилар ҳам бор. Уларга кўрсатилаётган кўмакни фақат олқишлаш мумкин, бироқ...

Мақолада бир шикоятчи аёл ҳаёти мисолида баъзи аччиқ ҳақиқатлар очиб берилганки, бундан кўпчилик ибрат олади, деб ўйлайман. Зеро, халқ қабулхоналари ва Президент виртуал қабулхонаси, фикримча, беҳуда гаплар, бўлар-бўлмас мурожаатлар учун эмас, ҳақиқий муаммоларга амалий ечим излайдиган, халқ турмушини янада яхшилашга хизмат қиладиган катта институт сифатида ташкил этилган.

Мафтуна РЎЗИЕВА
Самарқанд шаҳри

КОРРУПЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

ШАРҲ

Ҳаётда албатта, ҳар биримиз эртами-кечми ноҳақликка, адолатсизликка тўқнаш келишимиз эҳтимолдан холи эмас. Айтайлик, пухта билимга эга ўқувчининг институтга киролмаслиги ёки судьянинг пора эвазига гуноҳкорни оқлаб, бегуноҳни қоралаши каби ноҳақликлару бедодликлар ҳаётда озми-кўпми учраб турадиган ҳодисалардир.

Давлат идорасида хизмат қилаётган масъул шахс пора эвазига фуқаронинг ишини "тўғрилаб", ҳожатбарорлик қилади. "Коррупция" сўзи лотинчадан келиб чиққан бўлиб, пора эвазига сотиб олиш, бузилиш, сотилиш деган маъноларни билдиради. Янаям соддароқ айтганда, бу термин мансабдор шахснинг қонун ва ахлоқ меъёрларига зид равишда ўз шахсий манфаати учун мансаб ваколатлари ва ҳуқуқларини суиистеъмол қилишини англатади. Коррупциянинг характерли жиҳати, амалдор ҳамда унинг манфаатлари билан жамият манфаатларининг бир-бирига зидлиги ҳисобланади. Мазкур иллатнинг аксарият кўриниши амалдорларнинг товламачилиги бўлиб, бунга давлатга қарши жиноят сифатида қаралади.

Коррупция тушунчаси ва шакллари халқаро даражада расман БМТнинг 1995 йилдаги резолюциясида ўз аксини топган. Ушбу резолюция қоидаларига мувофиқ, давлат ички қонунчилиги коррупция мезонларини ва уни бартараф этиш чораларини белгилайди.

Ушбу иллатнинг илдизлари бир неча минг йилларга бориб тақалиши одамни чуқур мулоҳазага толдиради. Дастлаб инсонлар бирор-бир мавқега эга бўлиш учун қабила бошлиғи ёки оқсоқолга совға-саломлар ҳадя қилганлар. Қимматлироқ совға бу одамни бошқалардан ажратиб турган ва унинг илтимоси ёки талаби сўзсиз қондирилган. Унга қарши курашган илк ҳукмдор сифатида эрамиздан қарийб икки ярим минг йил аввал яшаган Шумер подшоҳи Уруинимгина номи тилга олинади. Қадим замонлардаёқ коррупцияга қарши қаттиқ жазолар белгиланганига қарамасдан, бу ҳамиша ҳам кўнгилдагидек натижани бермаган. Нари борса, энг хавфли жиноятларнинг олди олинган, холос. Бироқ камомадга йўл қўйишлар ва пора олишлар мунтазам равишда давом этаверган. Мазкур муаммо билан деярли барча қадимги давлатлар ва тузумлар, ҳатто қадимги Миср фиръавнлари ҳам тўқнаш келганлар.

Инсон борки, нафс бор, инсон борки, хатога йўл қўяди. Нафс, манфаат туфайли инсонлар ноҳақдан ноҳақ ҳукмдору судьяларнинг адолатсиз ҳукмлари жабрини чеккан. Бежиз илоҳий китоблар саналмиш Инжил ва Қуръони каримда ўзгалар мол-мулкини ноҳақ ўзлаштирмаслик ёки қозиларга пора бериш эвазига бошқалар мол-мулкини эгаллаб олмаслик хусусида оятлар нозил бўлмаган.

"Мол ва (бойлик)ларингизни ўрталарингизда ботил (йўллар) билан емангиз! Шунингдек, била туриб одамларнинг ҳақларидан бир қисмини гуноҳ йўли билан ейиш(ўзлаштириш) мақсадида уни ҳокимларга ҳавола этмангиз! *(Қурбони карим, "Бақара" сураси, 188-оят).*

Коррупция жамиятдаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммолар натижасида турли кўриниш ва шаклларда намоён бўлади. Давлат мансабидан фойдаланиб, ноқонуний мукофот-ҳадялар(аниқроғи пора) олишга ружу қўйиш кўпинча ислоҳотлар даврида юз беради. Фуқароларнинг муаммоларини ҳал этиш учун амалдорга пора бериши кўп ҳолларда масалани ҳал этишни тезлаштирибгина қолмай, балки юз фоиз аризачининг фойдасига ҳал этади. XVIII аср охиридан бошлаб Ғарбда жамиятнинг коррупцияга муносабатида кескин бурилиш юз берди. Давлат ҳокимияти унга тобе одамлар фаровонлиги учун хизмат қилиши керак, фуқаролар амалдорлар қонунларга риоя қилган ҳолда ишлаши учун уларни боқади, деган шиор остида либерал ислоҳотлар ўтказилди. Хусусан, 1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституциясида пора олиш энг оғир жиноят деб топилиб, бундай ҳолларда ҳатто АҚШ президентига импичмент эълон қилиниши мумкинлиги қайд этилди.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб бир мамлакатдаги коррупция бошқа мамлакатлар ривожига ҳам салбий таъсир этиши равшанлашди. Корпорациялар томонидан хориждаги олий мансабдорларни сотиб олиш оммавий тус олди. Ўта даражада коррупциялашган давлатлар учинчи дунё билан чекланмай қолди, 90-йилларда собиқ социалистик республикаларда юз берган либераллашув жараёнлари туфайли мансабдорларнинг ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиши янада кучайди. «Financial Times» газетаси 1995 йил 31 декабрдаги сонида 1995 йилни "Коррупция йили" деб эълон қилди. Коррупция ҳақидаги билимларни тарғиб қилиш учун БМТ 9 декабрни Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни деб белгилади.

Статистиканинг гувоҳлик беришича, порахўрлик айни пайтга келиб ниҳоятда таҳдидли кўлам ва миқёсларни касб этмоқда. У айниқса, иқтисодий жиноятлар орасида етакчи ўринни тутади. Коррупциянинг инсонларга ва умуман, жамиятга етказадиган зарари жуда катта. Бу ўринда улардан айримларини қайд этиш билан чекланамиз, холос.

Жумладан, коррупция аввало, давлат маблағлари ва ресурсларини самарасиз тақсимланиши ва сарфланишига сабаб бўлади. Давлат аппарати иши самарадорлиги пасайиши ҳам коррупция туфайли юз беради. Коррупциянинг авж олиши мамлакатда тадбиркорларнинг синишига, малакали кадрларнинг бошқа мамлакатларга чиқиб кетишига сабаб бўлади. Бу иллат оқибатида ишлаб чиқариш учун ажратилаётган инвестициялар миқдори камайиб, иқтисодий ўсиш тўхтайди. Ривожланаётган мамлакатларда коррупциянинг таъсири сабабли берилаётган халқаро ёрдамлардан мақсадсиз фойдаланиш, ижтимоий тенгсизликнинг ўсиши кузатилади. У аксар ҳолларда уюшган жиноятчиликнинг кучайишига, турли жиноий тўдаларнинг мафияга айланишига ва охир-оқибатда жамиятда ижтимоий ахлоқнинг пасайишига олиб келади.

Юқори даражада коррупциялашган бюрократик аппаратларда катта миқдордаги давлат ресурслари осон синдириш ёки бемалол пора олиш мумкин бўлган каналларга йўналтирилади. Бундай жамиятда ҳукмрон кучлар асосий диққат-эътиборини коррупцияни назорат қилувчи механизмларни заифлаштиришга, матбуот эркинлиги ва одил суд тизими мустақиллигини бўғишга қаратади. Унинг энг хавфли кўринишлари асосан жиноий хатти-ҳаракатлар ҳисобланади. Бунга энг аввало, камомад(ўғирлик)га йўл қўйиш ва порахўрлик киради. Ваколатли мансабдор шахсга ишониб топширилган ресурслар ва бойликларни ўз шахсий манфаати учун сарфлаши камомад дейилади. У оддий ўғирликдан фарқ қилиб, шахс бошлиқдан ёки мижоздан пул ёки мол-мулкни тасарруф этиш учун қонуний рухсат олган бўлади.

Коррупция халқаро савдода миллиард-миллиардлаб зиён келтиради. Айнан мана шу ҳолат кейинги йилларда халқаро коррупция муаммосига эътиборни қаратишга сабаб бўлди. Жумладан, америкалик экспортчи фирмалар хориж амалдорларига пора бера олмагани учун қулай битимларни бой берди. Ва аксинча, кўпгина ЕХҲТ давлатларида хорижий ҳамкорга пора бериш таъқиқланмай, балки уларнинг солиқ тўловларида бу миқдор чегириб ташланди. Айтайлик, немис корпорацияларининг бундай харажатлари йилига 5,6 миллиард долларни ташкил этган.

Коррупцияга муносабат ва қарши курашиш ҳар қайси мамлакатда ўзига хос тарзда кечаётир. Жумладан, Россияда бу иллат узоқ тарихга эга ва кенг илдиз отиб кетган. Мутахассисларнинг таҳлилича, бу давлатда коррупция тизими орқали ҳар йили триллион рублгача маблағ айланади. Бундан кўринадики, коррупцияга қарши курашиш борасида Россияда ҳали кўп ишлар қилиниши лозим бўлади.

Бошқа мамлакат, масалан, Сингапурда коррупцияга қарши кураш ўзининг қатъийлиги ва давомийлиги билан ажралиб туради. Сингапур мустақилликка эришган 1965 йилда коррупция авжига чиққан эди. Уни камайтириш учун бир қатор вертикал чоралар кўрилди. Хусусан, амалдорлар хатти-ҳаракатларини чеклаб қўйиш, бюрократик процедураларни соддалаштириш каби чоралар шулар жумласидандир. Асосийси, қонунчиликда бу иллатга қарши оғир жазолар тайинланди. Ҳозирги кунда Сингапур коррупциядан холи мамлакатлар орасида етакчи ўринда турибди.

Айни кунларда Саудия Арабистонида коррупцияга қарши катта кампания бошланди. "Sky News Arabia" телеканали хабарига кўра, 4 ноябрь куни коррупцияга қарши курашиш бўйича Олий қўмита тузилган. Сўнгги маълумотларга кўра, ҳукмдор сулола оиласидан 11 нафар шаҳзода коррупцияда айбланиб қўлга олинган. Бундан ташқари, ўнлаб вазирлар ҳибсга олинган.

2013 йил баҳорда Си Цзинпин Хитой давлати раиси этиб сайланди. Си Цзинпиннинг ички сиёсатида коррупцияга қарши курашиш асосий ўринни тутади. 2016 йил октябрда ХХР Компартияси марказий комиссияси коррупцияда айбланиб 1 миллион нафар давлат хизматчиларига ҳукм чиқарилганини маълум қилди.

Юртимизда коррупцияга қарши кураш юзасидан қандай ишлар олиб борилаётгани хусусида сўз юритадиган бўлсак, ўтган йиллар мобайнида порахўрлик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш каби ҳолатлар бўйича қонунчиликда турли жазолар белгиланган. Шунга қарамасдан, бизда бевосита коррупцияга оид қонун йўқ эди.

2016 йил 24 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, у 13 декабрда Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланди. Ушбу қонун мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишда муҳим дастуриламал бўлади, деб айта оламиз.

6 та боб 34 моддадан иборат ушбу қонуннинг 3-моддасида қоррупцияга қуйидагича мухтасар таъриф берилади: **"Коррупция** — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш; **коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш; **манфаатлар тўқнашуви** — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият".

Қонуннинг 4-моддасида коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари баён этилган. Хусусан, унда қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиқлик ва шаффофлик, тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, жавобгарликнинг муқаррарлиги баён этилган.

Биз ушбу мақолада дунёда илдиз отган яна бир салбий иллат — коррупциянинг айрим жиҳатлари хусусида сўз юритдик. Айни кунда мамлакатимиз Бош прокуратураси, суд-ҳуқуқ идоралари ва бошқа ташкилотлар бир ёқадан бош чиқариб коррупцияга қарши кураш олиб бораётганини таъкидлаган ҳолда, бу саъй-ҳаракатлар яқин йилларда ўз самарасини беради, деб ўйлаймиз.

Абдумажид АЗИМОВ

БУ ТУРФА ОЛАМ

ҚЎЛДАН ТИЛ ЯСАГАН ЖАРРОҲЛАР

"Вестник Кавказа" нашрининг хабар беришича, онкологик касаллик туфайли тилининг катта қисмидан ажралган олтмиш ёшли кишига янги тил қўйилди.

У бемор билагидан олинган этни тил илдизига пайвандлаш орқали амалга оширилди. 8 соат давом этган бу мураккаб операцияни олмаоталик жарроҳлар амалга оширишди.

Жарроҳлик амалиёти давомида соч толасидан ҳам ингичка томирларга ўнга яқин чок туширилди.

Қозоғистон Онкология ва радиология илмий-тадқиқот институти директор ўринбосари Даурен Адилбойнинг сўзларига қараганда, шу тарика шаклланган янги тил беморга келажакда яхши ютиш, овқатланиш ва гаплашиш имконини беради.

"АЛИБАБА"НИНГ ЯНГИ РЕКОРДИ

Хитойдаги энг йирик онлайн савдо платформаси ҳисобланмиш "Алибаба" компанияси 11 ноябрь — мамлакат бўйлаб кенг нишонланган "Бўйдоқлар куни"да савдо ҳажмини 168,3 миллиард юан (25,4 миллиард доллар)га етказди. Бу ҳақда «Reauter» агентлиги хабар бермоқда.

Одатга кўра, ўша куни Хитой бўйлаб кенг миқёсли савдолар уюштирилади. Бу йилги савдоларда 206 мамлакатнинг 140 минг бренди иштирок этди.

"Алибаба" бир сутка давомида 812 миллион буюртмани бажарган. Бу ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 39 фоиз кўп дегани.

ОЙ ПОРТЛАСА НИМА БЎЛАДИ?

"Корреспондент.net" сайтининг маълум қилишича, бир гуруҳ олимлар Ойнинг эҳтимолий портлаши ва бу жараённинг ҳалокатли оқибатлари ҳақида маълум қилишган.

Мутахассисларнинг фикрича, Ой сайёрамизнинг қуёш атрофидаги айланишини бир маромда сақлаб турибди. Агар у бўлмаса, Ер айланиши тезлашади ва атмосфераси йўқолади.

Демак, Ой Ердаги ҳаётни таъминлаб турган муҳим омиллардан бири экан. Сайёрамиз табиий йўлдошининг фойдаси шундангина иборат эмас. Ой Ер ўқининг эгилишини мувозанатга солиб туради, натижада сайёрамизда фасллар алмашинуви босқичма-босқич кечади. Ой бўлмаса, Ер бир томонга оғиб кетарди. Бу эса иқлимнинг кескин исиб кетишига, ҳосилдор ерларнинг сув остида қолишига сабаб бўлади.

Булар албатта, олимларнинг фаразлари. Шукрки, айни пайтда Ой портлаши аломатлари кузатилмаяпти. Мазкур маълумот бизга борликдаги жами яратиқлар ҳикматсиз эмаслигини исботловчи навбатдаги далилдир, холос.

ЮРАК ХУРУЖИГА ҚАРШИ ЭМЛАШ



Америкалик олимлар юрак-қон томир тизими касалликлари билан оғриган беморларни даволовчи ноёб ирсий муолажани ишлаб чиқишди.

Маунт-Синай шифохонаси мутахассислари юрак хуружининг олдини олувчи махсус ген-модификацияли вирусни синовдан ўтказишди. Маълум бўлишича, инсон танасига бир марта юборилган вирус юрак етишмовчилиги хавфини 30 фоиз камайтиришга қодир.

Инсон организмига юборилган вирус юракда қон айланиш жараёнини мураккаблаштирувчи фосфатаза-1 оқсили — протеинни камайтиради.

Олимларнинг айтишича, янги даволаш усулининг ножўя таъсири йўқ, биргина эмлаш орқали юрак касалликларига чалинганларнинг барчасини даволаш мумкин. Бироқ бу усул анъанавий даволаш усулларидан анча қимматроқ бўлади.

АНТАРКТИДА МУЗЛАРИНИНГ ЭРИШ СИРИ

"The Independent" нашрининг ёзишича, НАСА мутахассислари Антарктида музларининг эриш сабабларини аниқлашди.

Олимларнинг фикрича, сирли иссиқлик манбаи муз остида бўлиши мумкин. Яъни муз остида Ер мантиясининг зичлашиб, қаттиқлашиб тепага кўтарилаётгани бунга сабаб. Натижада тобора тепага кўтарилаётган музлар юқори ҳароратда эриб, ёрилиб, пастга қулайди.

Ўттиз йил илгари Колорадо университети олими Ғарбий Антарктидадаги Мэри Бэрд ери ҳудудида худди шундай мантия бўлиши мумкинлигини таъкидлаган, аммо яқин-яқингача бу тахмин ўз исботини топмаган эди. НАСА мутахассислари эса бу назариянинг ҳақиқатга яқинлигини исботлашди.

Мутахассислар махсус рақамли моделни ишлаб чиқдилар. Сўнг Мэри Бэрд ерида содир бўлаётган жараёнлар — ерости дарёлари, кўллар пайдо бўлиши учун қанча геотермик энергия сарф бўлишини ҳисоблаб чиқдилар. Назарий модел маълумотлари билан тадқиқот давомида қабул қилинган маълумотлар қиёсланди. Натижада қитъада Ернинг муз қалқони пайдо бўлмасдан 50-110 миллион йиллар олдин мантия қобиғи шаклланган аниқланди.

Июль ойида Антарктида қитъа музлигидан майдони 5,8 минг квадрат километрлик айсберг ажралиб чиққан эди.

Интернет манбалари асосида тайёрланди.

ЭЪЛОНЛАР

"APILLANGO" масъулияти чекланган жамияти устав фондининг номинал қиймати 346 081 482,50 сўмдан 105 556 000 сўмга камайтирилаётганини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани Матлубот кўчаси, 1-уйда жойлашган Рахимов Рихсибой Сартаевичга тегишли бўлган 137-хонадоннинг каластр ҳужжати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

БАЙРОҚЛАРДАГИ ИФОДАЛАР

ЖУҒРОФИЙ САЁҲАТ

Маълумки дунёдаги ҳар бир давлат ўз рамзлари — байроғи, герби, мадҳияси ва пул бирлигига эга. Бир кўришда оддийдек туюлган рамзларда миллат тақдири, тарихи ёхуд келажаги акс этган бўлади. Жумладан, давлат байроқлари ҳам шунчаки тимсол эмас, балки бутун бир мафкура мажмуаси ҳисобланади.

Ҳадемай, 18 ноябрь куни давлатимиз байроғи қабул қилинганининг 26 йиллигини нишонлаймиз. Барчамизга аёнки, давлатимизнинг мазкур рамзида эзгу мақсадлар мужассам.

Байроқдаги тўқ мовий ранг тиниқ осмон ва обиҳаёт рамзи бўлиб, у яхшилик, донишмандлик, ҳалоллик, шон-шуҳрат ва садоқатни билдиради. Оқ ранг эса тинчлик, поклик, беғуборлик, софлик, ички гўзалликка интилиш тимсолидир. Табиатнинг янгиланишига ишора қилувчи яшил ранг, томиримизда жўшиб оқаётган аждодлар қони — ҳаётий қудрат, барқарорлик ва бардавомлик нишонасини англатувчи қизил ранглар эса байроғимиз кўринишига янада кўрк қўшган. Тарихий анъаналаримиз билан боғлиқ навқирон ярим ой тасвири қўлга киритилган мустақилликдан дарак берса, 12 юлдуз Ватанимиз сарҳадидаги қадимги давлатлар илмий тафаккурида "Нужум илми" тараққий этгани билан изоҳланади.

Келинг, шу ўринда жаҳон мамлакатлари байроқларига доир баъзи қизиқарли маълумотлардан сизни воқиф этсак.

1971 йилда қабул қилинган БАА байроғи тўрт рангдан иборат бўлиб, ундаги оқ — тинчлик ва ҳалолликни, қора — душманларни қўрқитиш мақсадини, қизил — жасорат ва баҳодирликни, яшил эса умид ва некбинлик (оптимистлик) маъноларини англатади.

Қора марказ, оқ рангдаги икки чизиқ, тепа ва пастки қисмдаги ёрқин кўк рангли чизиқдан иборат байроқ Ботсванага тегишлидир. Қора ва оқ ранг уйғунлик, кўк ранг эса мамлакатнинг сувга қарамлилигини билдирар экан.

Дунёда шундай байроқлар борки, уларга қараб мамлакат нечта маъмурий ҳудуддан иборатлигини осонгина билиб олиш мумкин. Улардан бири Бразилия байроғидир. Мамлакатдаги штатларни акс эттирувчи 27 юлдуз осмонда тунда қай тартибда кўринса, худди шундай схемада жойлаштирилган. Байроқ ўрмонни англатувчи яшил ва олмос захиралари маъносини билдирувчи сариқ ранглардан иборат.

Австралия байроғи ҳам худди шундай. Ундаги олти қирали олти юлдуз мамлакатдаги олти штатдан далолат. Кўк фон эса мустамлака халқлар байроқларининг умумий мавзуси саналади.

Мамлакатдаги турли динлар маъносини англатувчи Ҳиндистон байроғи икки ранг ва марказда айлана тасвиридан иборат. Ундаги оловранг жасорат тимсоли бўлиб, ҳиндлар ва буддавийлар учун муҳим ранг саналади. Оқ — поклик, яшил ранг иймон ва унумдорлик рамзи ҳисобланади. Марказдаги айлана эса қадимий Ашока Чакра тимсоли бўлиб, у Қонун ғилдираги деб ҳам номланади.

Байроқлар ичида энг антиқаларидан бири 1977 йилда қабул қилинган Ливия байроғи бўлиб, у ягона ранг — тўқ яшил тусда. Бошқа ҳеч қандай элементлари йўқ.

Непал байроғи эса ҳозирги кунда тўғри тўртбурчак шаклига эга бўлмаган ягона расмий байроқдир. У бирлаштирилган иккита учбурчак кўринишида бўлиб, унда мамлакатнинг миллий ўсимлиги — рододендорон тасвирланган. Непал байроғида 1962 йилга қадар байроқдаги ой ва қуёш тасвирлари ичида инсон юзи тасвирланган. Бироқ кейинчалик "замонавий" кўринишга келтириш учун бу тасвир олиб ташланган. Аммо Аргентина ва Уругвай байроқларидаги элементларда ҳануз инсон юзи тасвири бор.

Жаҳон мамлакатлари байроқлари орасида энг қизиқ ва ўзига хоси бу — Филиппин туғи бўлса керак. Бир қарашда оддий кўринган байроқ замирида яширин маъно акс этган. Расмий байроқ, одатда, тепада кўк ранг, пастида қизил ранг, қуёш ва учта юлдуз элементларидан ташкил топган. Аммо мамлакат байроғини тескари ҳолатда — яъни, қизил ранг юқорида, кўк ранг пастда кўйи осиғлик турганини кўрсангиз эҳтиёт бўлинг. Сабаб бу ҳолат мамлакатда уруш кетаётганини англатар экан.

Хуллас, давлат рамзлари сизу биз билмаган ана шундай кучли мафкура тарғиботчиларидир.

Г.ТУРСУНПЎЛАТОВА тайёрлади.

БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

— Уй бувимнинг номида. Бувимнинг 3 нафар фарзандидан ҳеч бири ҳозир ҳаёт эмас. Фақат тўққиз нафар набира қолганмиз. Ўша уйни набиралар келишиб биримизнинг номимизга ўтказмоқчи эдик. Бир неча нотариусга мурожаат қилсакда, ишимиз битмаяпти. Бундай ҳолатда кимга мурожаат қилишимиз лозим?

Яшнобод туманидан
У.Исламов

— Нотариал ҳаракатлар ҳақ тўланганидан сўнг зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган куни амалга оширилади.

Нотариус қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома бериш пайтида мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, мерос очилган жойи ва вақтини, мерос мол-мулки таркиби ва унинг жойлашган жойини, мерос қолдирувчи билан меросхўрларнинг қариндошлик муносабатини ҳамда қонун бўйича меросхўрлар доирасини аниқлайди.

Агар меросхўр мерос очилганидан кейин уни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган бўлса, унга тегиши керак бўлган меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг қонун бўйича меросхўрларига ўтади.

Шунга кўра, бувингиз вафот этган бўлса, вафот этган жойдаги давлат нотариал идорага бувингизнинг никоҳ тузилганлиги ва ўлим ҳақидаги гувоҳномалар, вафот этган 3 нафар фарзандларнинг туғилганлик, никоҳ ва ўлим ҳақида гувоҳномалари, набираларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар билан мурожаат қилишингиз мумкин.

Бунда набиралар ўзаро келишган ҳолда ўзларига тегишли бўлган мерос улушини бир кишининг фойдасига воз кечиш ҳақида нотариусга ариза тақдим этиши лозим. Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас.

— Яқинда ўғлимни хорижга ўқишга юбориш учун ҳужжатларни таржима ва тасдиқлаш учун 400 минг сўмдан ортиқ тўладим. Нега нотариус хизматлари қиммат? Улар қандай мезон асосида белгиланади?

Тошкент вилоятидан
А.Ҳайдаров

— Нотариус, башарти у тегишли тилларни билса, бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди. Агар нотариус тегишли тилларни билмаса, таржима таржимон томонидан қилиниши мумкин, нотариус унинг имзоси ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларига асосан нотариуслар томонидан ҳужжатлардаги ёзувларнинг ҳақиқийлигини, шу жумладан, таржимон имзосининг ҳақиқийлигини тасдиқлаганлик учун жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи, яъни 2995,5 сўм давлат божи ҳамда ўзаро келишувга кўра 7488,75 сўм ҳуқуқий ва техник тусдаги ҳаракатлар учун тўлов ундирилади.

Ҳужжатни бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш нотариус хизматига кирмайди. Таржимонлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари Сизга ўзаро келишилган нархларда ҳужжатларингизни таржима қилган бўлиши мумкин.

Агар нотариал идора ходимлари томонидан белгиланган миқдорлардан ортиқча пул маблағлари талаб қилинган бўлса, Адлия вазирлигининг "1-008" рақамли ишонч телефонига ёки бевосита мурожаат қилишингиз мумкин. Бундай ходимларга нисбатан қатъий интизомий чоралар кўрилади.

— Уйимизда пропискада 10 киши бўлса-да, фақат 2 киши яшайди. Аммо коммунал тўловлар учун неча киши яшаса шунча одам ҳисобланади. Бу ҳақда айтсак, улар компьютерга киритилган рўйхат асосида тўлайсиз дейди. Яшамайдиганлар тўғрисида маҳалладан маълумотнома олиб, уни нотариал тасдиқлатиш мумкинми?

Яшнобод туманидан
Ф.Сатторова

— Нотариуслар жисмоний ва юридик шахслар томонидан берилган ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини ушбу ҳужжатлар қонунга зид бўлмаган, юридик аҳамиятга эга бўлган ҳамда уларнинг нусхалари ва улардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлаш қонун билан тақиқланмаган ҳолдагина шаҳодатлайди.

Агар сиз турар жойда яшамайдиганлар ҳақида маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланган маълумотномани нотариусга тақдим этсангиз, ушбу маълумотноманинг нусхаси аслига тўғри эканлиги шаҳодатлантирилади. Ушбу ҳолатда нотариус ҳужжатдаги маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқламайди.

Саволларга Яшнобод тумани 4- ва 5-сон ДНИ нотариуслари Элмира МАМЕДОВА, Хуршида ЭГАМБЕРДИЕВАлар жавоб берди.

"ҲУРРИЯТ" ГУРУНГИ

АРАВАГА ҚЎШИЛГАН

— Гарчи театр — ибратхонадир, деган қарашлар неча юз йиллардан бери қалбимизга сингиб кетган бўлса-да, ҳамон бизни ана шу адабхона ўзининг вазифасини қай даражада уддалаётгани қизиқтиради. Ривожланган мамлакатларда ҳам маданий тараққиётнинг юксак мезони сифатида театрга алоҳида эътибор қаратилиб, ҳар бир янги асар катта идрок билан саҳналаштирилади. Суҳбатимиз бошида ана шу театр ҳаёти ва томоша маданияти ҳақида кўнглингиздаги фикрлар билан ўртоқлашсангиз.

— Оламда театр деган мўъжиза пайдо бўлгандан бери унинг **томоша** кўрсатишдек яккаю ягона вазифаси бўлган. Шунинг учун залда ўтирганларни **томошабин** деймиз. Томошабин театрга мавзу ёки муаммо учун эмас, томоша кўргани келади. Афсуски, биз театрнинг ана шу азалий ва табиий вазифасини бир четга суриб, унга жуда кўп вазифалар юкладик. Бир тасаввур қилинг: хушманзара гўшада ниҳоятда гўзал бир оҳу юрибди. Табиат унга инсон кўзини қувонтиришдек эзгу вазифа юклаган. Биз уни бундай вазифадан озод этиб, бошқа вазифа юкладик, яъни... аравага қўшдик! Оқибатда гўзаллик нобуд бўлди, аравадаги юк ҳам жойида қолаверди... Аянчли ҳол, тўғрими? ОҲУ+АРАВА=ТЕАТР.

Келинг, энди «аравадаги юк»нинг нималигини кўриб чиқайлик. «Театр — минбар» дейилди ва саҳна нотиқлар минбарига, томошабин лекция тингловчиларига айлантирилди. «Театр халқдан олдинроқда юриши керак» дейилди. Олдинроқ юрдик. Орадан бир оз вақт ўтиб мундоқ орқамизга қарасак, бизга ҳеч ким эргашмаётган экан! Шахдам қадамлар билан олга кетаверибмиз-у, бир мартагина орқамизга қараб қўйиш эсимизга келмабди. Узилиш, орқадаги масофа анча — қайтгимиз келмади. Шўрлик томошабинни маданиятсизликда, қолоқликда, театрдек нафис санъатни тушунмасликда айбладик. Шу қадар илгарилаб кетдикки, энди бизни на «олдиндагилар» тушунади, на орқада қолиб кеттанлар! Зўр бериб вазиятдан чиқишнинг йўлини қидирдик. Топдик ҳам: томошабинни театрга мажбурлаб олиб келдик. Ҳамма чипталар сотилгани ҳолда залда ўтирган яккам-дуккам томошабин олдида хижолат ҳам бўлмадик. Уялишга вақт йўқ — «аравадаги юк» оғир эди. «Биз халқни маданиятли қиляпмиз!» деб ўзимизни овутдик. Ўзимизни мақташга ўтдик. Матбуот, радио-телевидение, турли катта-кичик минбарлар хизматимизда бўлди. Бора-бора мақташ ва мақтаниш қон-қонимизга сингиб кетди. Ишимизни холис, ҳаққоний баҳолашга, камчилик ва хатоларимизни мардона тан олишга вужудимиздаги ҳар бир ҳужайра қаршилик кўрсатадиган бўлиб қолди. Қанчалик мақтанмайлик, бизга барибир ишонишмади — чипта сотувчиларимиз зерикиб қолаверди... Яна чора қидирдик. Йўқ, бу сафар айбдорни қидирдик. Аввалига, театр драматургни айблади, драматург танқидчини, театр директори бош режиссёрни, режиссёр режиссёрни, актёр актёрни. Шундай қилиб, театрдаги маънавий муҳит бутунлай издан чиқиб кетди. Ва ниҳоят, театр биз кўриб турган бугунги аҳволга тушиб қолди. Энди чора қидиряпмиз. Қидиришга қидиряпмиз-у, лекин ҳали ҳам «оҳу аравага қўшилгани»ча турибди-да.

— Тўғри, театрнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Ҳар қандай асар саҳналаштирилгани билан 1

санъат намунаси бўлиб қолавермайди. Балки, ёзувчиларимиз томошабин юрагига яқин асарлар етказиб берганида, "оҳуни аравага қўшиш"га ҳожат қолмасди. Шу ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.

— Бугун яхши замонлар келди, энди истаган мавзуда ёзаверамиз, деган гапни кўп эшитяпмиз. Қаранг, яна мавзуга умид қиляпмиз! Ижод эркинлиги адабиёт ва санъат гуркираб ривожланиши учун кенг ҳаракат майдони берди, лекин талант бергани йўқ! Демак, бадиий кашфиёт даражасидаги асарларнинг салмоғи фавқулодда ошиб кетади, деб умид қилиш хомхаёлдир. Яхши ёзувчи яхши, ёмон ёзувчи ёмон ёзаверади. Қолаверса, «Асар театрда асар бўлади» деган гап бор. Қизиқ, ахир шунча йиллардан бери «асар театрда асар бўлиб» келяпти-ю, лекин негадир ишимизда силжиш йўқ. Бу шиор ўзини оқлаганда, яхши пьесалар масаласи ҳал бўлиб, театр санъати космик тезликда ривожланиб кетарди. Ваҳоланки, театр шундай мўъжизакор кучга эга экан, нега энди дуч келган ёмон пьесани олиб, бирбиридан зўр спектакллар яратмаяпти? Бўш ва ўртамиёна асарлар тиқилиб ётибди. Қаранг, муаллиф театрга пьесасини олиб келади, режиссёр «у ерини ундоқ қилиш керак, бу ерини бундоқ қилиш керак» дермишда, у шекспирона асарга айланармиш! Нега энди авторнинг ўзи бир йўла «у ерини ундоқ, бу ерини бундоқ» қилиб кела қолмайди? Ё пьеса ёзишни билмайдими? Демак, режиссёрдан қарзга ақл олмай туриб, ҳеч ким пьеса ёзолмас экан-да? Эътибор беринг, масаланинг моҳияти шу ерда! Қолаверса, бу қандоқ мушкул ишки, ҳеч кимнинг қўлидан келмаса?! Менимча, ҳар ким ўз ишини билиб, ҳалол бажаргани маъқул. Яъни предметни драматург, уни ифода этадиган воситаларни театр яратса, "оҳунинг аравасидаги юк" анча енгиллашади.

— Ҳозирги санъат институтида бўлажак режиссёрлар, актёрлар етишиб чиқади. Аммо ана шу олий билим даргоҳи битирувчилари орасида назаримизда, ҳали ярқ этган истеъдодлар кўзга чалинмаяпти.

— Тўғри, кадрлар масаласини ҳал қилмай туриб, театрни юксалтириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу масала ўз-ўзидан соҳа ўқув муассасасига бориб тақалади. Яқин йилларда театрга кириб келаётган ёш актёрларнинг ишини кузатиб, ушбу даргоҳдаги ўқув-тарбия ишларини зудлик билан тубдан янгилаш керак, деган фикрга келдим. Аввало, талабаларнинг саводсизлиги одамни лол қолдирадиган даражада аянчли. Бир варақ таржимаи ҳол ёзса, камида ўн-ўн бешта имло хато бўлади. «Мутаассиб» нима дегани? «Тахлид» билан «тақлид» битта сўзми» деган саволларни эшитиб, улар учун ҳам сиз уялиб кетасиз. Хўп, мактаб яхши билим бермаган экан, институт-чи? Қабул жараёнида бўлажак талабанинг қайси жиҳатига қараляпти? Булар кадрлар тайёрлаш жараёнидаги жиддий масалалар.

Кўпинча ёш драматурглар ижодий семинарларига таклиф этишади. Дейлик, ўндан ортиқ драматургларнинг асарлари ўқилади, қизғин муҳокамалар бўлади, драматургиямиз масалалари, маҳорат муаммолари, пьесаларнинг саҳнага чиқишидаги айрим тўсиқлар ҳақида фикр алмашилади. Гап ошкоралик ва театрни янгилаш масаласига келганда, бир ғалати фактга дуч келаман. Пьесаларнинг жанри ранг-баранг, муаллифларнинг қизиқиш доираси кенг ва бадиият сирларини ўрганишга интилиш кучли. Лекин ижтимоий жасорат ва алоҳида журъатни талаб қиладиган битта ҳам асарнинг топилиши мушкул. Бу ҳам етмагандек, "Манави масала ҳақида ёзсак бўладими?", "Анави гап қалтис чиқиб қолмадимикан?" қабилидаги гапларни эшитиб, ғалати аҳволга тушаман. Бундай эҳтиёткорлик, тўғрироғи, қўрқоқлик ёш драматургларимизда қаёқдан пайдо бўлди? Ўттизинчи йилларнинг жабрини тортмаган, "турғунлик йиллари"да жиддийроқ зарба емаган ўттиз-ўттиз беш ёшли пьесанависларимизнинг нега бунчалик тиззаси қалтирайди? Бу ўта эҳтиёткорлигимизнинг меваси эмасми?

Талабаларнинг замонавий ўзбек прозаси, шеърияти ва драматургияси билан танишуви ҳам тасодифий характерга эга: дўконда кўзи тушса олади, бўлмаса — йўқ. Актёр тилнинг нозик жиҳатларини яхши тушунадиган, ҳис қиладиган зиёли бўлиши керак эмасми? Халқ уни сўз устаси сифатида билади, эъзозлайди. Ўзингиз ўйланг, шу савод билан қанақа «уста» бўлиши мумкин? Институт педагоглари орасида: «Актёр классик асарда ўсади» деган гап юради. Йўқ, актёр классик асарда ўлади! Чунки классик асар деганда, сўзсиз бизда Европа ёки рус классикасини назарда тутиш расм бўлиб қолган. Шунинг учун диплом спектаклларига кўпроқ таржима асарлар танланади. Саҳнада ҳали суяги қотмаган, тажрибасиз актёрлар урф-одатлари, маънавияти, психологияси, руҳияти мутлақо бегона «ҳаёт» гирдобига ташланади. Натижада, улар худди қоронғида пайпасланиб юргандай тахминий фикрлайдилар, кино ёки театрда кўрган хатти-ҳаракатига кўр-кўрона тақлид қилишга мажбур бўладилар. Масалан, эшикдан кириб келган жаноб нега аввал қўлқопини ечиб шляпасига ташлайди-да, кейин хизматкорга узатади? Дуэлга чақириш учун нега рақибининг юзига қўлқоп билан уриши керак? Нега ҳасса ёки стул билан эмас? Жавоб доим деярли бир хил бўлади: «Уларда шундай қабул қилинган». Кўряпсизми, Европага оид бор билим битта «шляпага жой бўлиб кетяпти»!

— Хўш, аҳвол шундай экан, уни ўнглаш, изга солиш, янги драматургларни кашф этиш, амалий ёрдам бериш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Бу борада ҳал қилиниши лозим бўлган ижодий муаммолар кўп, битта суҳбатга уларнинг ҳаммасини қамраб олиш мушкул, шунинг учун фақат баъзилари ҳақида тўхталмоқчиман. Режиссёр — драматург муносабати жуда мураккаб. Эскича қарашлар эса уни янада чигаллаштириб юборяпти. Масалан, айрим режиссёрлар фаолиятида турғунлик йилларидан мерос бўлиб қолган ўта эҳтиёткорлик анъанаси 3

ХАТОЛАРИМИЗНИНГ илдизи қаерда?

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

Биз минг метрдан тангани бехато урган Алпомишнинг, Кўкаманнинг кўкайини эзган Барчинойнинг авлодларимиз. Ҳар бир ишда мақсадимиз Алпомишнинг пайкони янглиғ аниқ манзилга йўналтирилган бўлиши лозим. Бунинг учун бизда Тўмарисдан мерос бўлган жасорат, Широқдан қолган ирода ва сабот етарли. Фақат биз ҳар жабҳада масъулиятли бўлсак кифоя.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида: *"...Қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар... фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши керак"*, деб таъкидлаб ўтган эдилар. Бу билан Юртбошимиз раҳбарларга мурожаат қилган бўлсалар-да, ундан биз, оддий фуқаролар ва ёшлар ҳам ўзимиз учун тегишли хулоса чиқарсак, асло фойдадан холи бўлмайди.

Ҳар бир шахс, аввало, ўз олдида масъулиятлидир. Қолаверса, шахс — жамоа, жамоа — жамият олдида масъул. Шахс, жамоа, жамият эса, миллат олдида бурчлидир. Бу бурчни ким англаб етади? Албатта, юксак маънавиятли, масъулият ҳиссини сезадиган шахс. Ўз ишига виждонан ёндашадиган, масъулиятни ҳис этиб, бурчини астойдил адо этадиган кишигина бугунги амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар, мисли кўрилмаган ўзгаришларга ўз ҳиссасини қўшади. Юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон манфаатларининг ҳамма нарсадан устун эканлигини таъминлашда — масъулият ва бурч асосий тамойил ва мезон бўлиб хизмат қилади. Қайси соҳа вакили бўлишидан қатъи назар, у ҳамиша ўзини Ватан ва миллат олдида қарздор эканлигини унутмаслиги лозим. Ана шундагина юрт равнақ топади. Жамиятда адолат ҳукм суради.

Афсуски, шундай ҳолатлар ҳам учраб туради; айрим ташкилот, ходимлар реал ҳаётдан, халқ ва унинг эҳтиёжидан узилиб қолаётгандай. Бу эса, ўз навбатида масъулият тушунчасининг сусайганидан далолат беради.

Хеч кузатганмисиз? Иш вақти 9:00 дан қилиб белгилаб қўйилганига қарамай, айрим ташкилот ходимлари соат 10:00га яқинлаб ёки ундан ҳам кечроқ ишхонага келади. Тўғри, ишда самара ва унум бўлса бўлди-да, дейишингиз эҳтимолдан холи эмас. Аммо ўз вақтида хизмат вазифасига киришмаган ходимнинг ишида қандай самара бўлиши мумкин?

Бўлим бошлиғимиз хатни бир ташкилотга олиб боришимни сўради... Ташкилот эшигидан кирдим. Котиба худди мен битта буйрагини қарзга сўраб келгандай қаршилади. Боз устига қўлида телефон. Тахминимча, дугонаси ёки таниши билан гаплашяпти. Хатни қўлига узатдим. У гапимни эшитиб, кўзи билан хатжилдни стол устига қўйишимга ишора қилди. Қоғозни столда қолдириб, эшикдан чиқдим. Жаҳл қилишни ҳам, эътиборсиз қолдиришни ҳам билмайман.

Яна бир мисол: яқинда (ҳали 15 кун ҳам бўлмади) катта бир шифохонага бордим. Пешиндан кейин соат миллари 15:30дан ошган. Кираверишда икки нафар қўриқлаш хизмати ходими ўтирарди. Нима сабаб билан келганимни сўрашди. Сабабни айтдим. Улар кундузги шифокорларнинг иш вақти тугагани, фақат битта врач борлигию, у ҳам кетишга чоғланаётганини айтишди. Ҳайрон қолдим.

— Ҳозир ўз оёғим билан юриб келдим. Агар оғирроқ беморни олиб келишса ҳам иш вақти тугади, деб кетадими сизларда дўхтирлар? — деб сўрадим ажабланиб.

Навбатчилар бир-бирига қараб, сўнг шифокорга қўнғироқ қилишди. Шифокор ҳам кетмоқчилигини айтди. Гўшакни ўзимга беришларини талаб қилдиму, шифокорга ҳам юқоридаги гапни айтдим. У телефонда мени нима безовта қилаётганини сўради. Жавобимни эшитиб, хохламайгина "киринг", деди...

Тушунаман, республикамизда 9:00дан қилиб белгиланган иш соатини ташкилоту муассасалар ички тартиб-қоидасидан келиб чиқиб, йўриқномасига асосан ўзгартириши мумкин. Шифокорлар, ўқитувчилар, ижодий соҳа ходимлари йўриқномага асосан меҳнат вақтини ўтайди. Оилавий ёки ўта шахсий сабабларга кўра, ишга кеч қолиш ҳоллари рўй беришини ҳам ҳазм қилса бўлади. Бироқ ҳар куни бир хил ҳолатнинг такрорланиши...

АҚШ, Германия, Япония, Хитой каби давлатлар ривожланишининг асосий негизи тартиб-қоида ва ижро интизоми эканлигини кўпчилик яхши билади.

Бир танишим: "Қатъий тартиб-қоида белгиланган ташкилотлар ходимига яхши маош тўлайди ва интизомни талаб қилади", деди. У ҳақ! Бироқ ҳозир ҳам ҳеч бир соҳада меҳнатга яраша маош тўламаслик ҳолатлари кузатилаётгани йўқ, бизнингча. Фақат айрим фуқароларнинг нолишлари, маошга яраша меҳнат қилмаслиги ва боз устига, ўз масъулиятсизлигини ишхонанинг яхши маош тўламаётганига йўйиши сабабли интизомга путур етяпти, чоғи. Ахир улар ёшликда экилган теракнинг, қариликда керак бўлишини қаердан билсин.

Бир куни бувам ёнларига чақириб:

— Болам, яхши ўқи! Китобга меҳр қўй! Оилага, Ватанга меҳр бер! Уларнинг олдида ўзингни доим жавобгар деб бил, — дедилар. Ўша куни мен бувамнинг кўзойнагини синдириб қўйиб, айбни бўйнимга олмагандим. У зиёли инсон эди. Бир умр ҳалол меҳнат қилган, илмга меҳр қўйиб, умрининг сўнгигача «Фан ва турмуш» журналини ўқиб, ҳар тарафдан оиласига, ён-атрофдагиларга ўрнак бўлиб, қишлоқдошларига қўлидан келганча яхшилик қилиб яшади. Бувамнинг: "Китобга меҳр қўй", "Ҳамиша ўзингни жавобгар деб бил" деганлари мудом қулоқларим остида жаранглаб туради.

Масъулиятни ҳис этиш тўқсон фоиз муваффақият дегани. Ишга муносабат, ўзингга, оила ва ватанга муносабат билан ҳамоҳанг туради. Илло қай соҳада, қандай лавозимда бўлмасин, ишга масъулият билан қарамаслик хиёнат билан баробардир. Масъулиятсиз шахс, биринчи галда ўзига, оиласига, энг асосийси, Ватанига хиёнат қилган бўлади.

Хато ҳар бир киши ҳаётида учраб турадиган ҳолат. Бироқ хатолардан тўғри хулоса чиқаролган кишигина ўз олдига қўйган улуғ мақсадларга эришади. Биз қачон хатоларимизнинг илдизи қаерда эканлигини тополсак, ана шундагина шахс бўлиб етишамиз.

Албатта, қонунга риоя этиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади. Лекин юрт равнақи йўлида ҳар бир одамнинг ўз шахсий жавобгарлиги бўлиши лозим. Жамоадан, жамиятдан, қонундан қочиб қутулиш мумкиндир, эҳтимол. Аммо бир куч борки, унинг олдида ҳамма бирдек ҳисобини беради. У — виждон! Ҳеч қачон виждондан қочиб-қутулиб бўлмайди!

Сабоҳат СУЛТОНОВА

ОҲУ ҚИССАСИ

Таникли езувчи Шароф Бошбеков билан суҳбат

ҳамон давом этиб келяпти. Биз, одатда, театрлардан "воқеа" бўладиган асарлар кутамиз. Лекин кўп ҳолларда "воқеа"ни театр эмас, раҳбарият, жамоатчилик, матбуот яратишини ҳамма ҳам билмаса керак. Муаллифларнинг мавқеи ва лавозимига қараб талай асарларни "воқеа"га айлантирилган пайтлар кўп бўлган. Лекин асар аввало, режиссёрга, адабий эмакдошга, бадиий кенгаш аъзоларига, умуман, жамоага, томошабинга маъқул бўлиши керак. Театр санъати ривожига тўсқинлик қилиб келаётган битта жиддий сабаб кўпинча ижодий семинарларда, муҳокамаларда ёш пьесанависларнинг асарлари маъқул топилиб, "оқ йўл" берилади, лекин саҳналаштириш масаласида улар театрда ёлғизланиб қоладилар. Шу тариқа кўплаб қобилиятли ёшларимиз ё адабиётнинг бошқа турларига ўтиб кетишади ё умуман, ижод майдонини тарк этадилар. Дейлик, театрга янги драматург кириб келди. Биз уни қандай кутиб оламиз? Очиғини айтиш керак, бу масалада унчалик ҳам "меҳмондўст" эмасмиз.

— *Театр саҳнасида намойиш этилаётган спектаклар адабий тил нормаларини қандай сақлаяпти? Умуман олганда, саҳна тили қандай бўлиши керак? Дунёнинг ривожланган мамлакатлари саҳнасида бу масалада қандай йўл тутилади?*

— Халқимизда қадим-қадимдан кўп тилни билиш донолик аломати, маданият белгиси ҳисобланган. Лекин одам ўз она тилини мукаммал билгандан кейин бошқа тилларни ўзлаштириши осон кечади. Ахир, бошқа тилни ўрганиш учун қандайдир база бўлиши керакми? Айримлар рус тилини билганларни айблаб, айюҳаннос солади. Ваҳоланки, ҳаётга очиқ кўз, тиниқ идрок билан қарайдиган ҳар бир кишига рус тилининг нақадар улкан аҳамиятга эга экани кундек равшан. Лекин афсуслар бўлсинки, соф рус тилида гапироладиганларнинг кўпчилиги ўз тарихи, маданияти, урф-одати энг ачинарлиси, тилини яхши билмайди. Шу ўринда суҳбатимиз зерикарли бўлиб қолмаслиги учун бир латифасифат қиссани гапириб бермоқчиман. Очарчилик замонида бир рус кишиси нон излаб Ўзбекистоннинг Хўжақишлоқ деган масканига келиб қолибди. Бу ерда нуқул ҳожилар яшар экан. Ўзбек меҳрмурувватли халқ эмасми, дарров рус кишисининг қорнини тўйғазишиб, кийим-кечак беришибди. Турар жой, омоч-кетмон билан таъминлашибди. Тил ўрганиб, урф-одатларга амал қилиб, буткул ўзбек бўлиб кетибди. Қишлоқда тўй-маърака бўлиб қолса, "Ҳў, Акбарҳўжа, фалончиникига тўйга, ҳў, Иванҳўжа, фалончиникига тўйга!" дейдиган бўлишибди. Бир куни унинг ажали етиб, бандаликни бажо келтирибди. У дунёда Мункар-Накирлар ҳайронмиш: қаёққа киритамиз — жаннатгами, дўзахгами? Шунда улардан биттаси айтибди:

— Майли, жаннатга кираверсин, ўзбекча билмайдиган ўзбекларга таржимонлик қилиб юрар!..

Ўқувчига қўпол туюлмасин. Бу масалалар бевосита драматургиямизга ҳам тегишли бўлгани сабабли гапираяпман. Чунки айтиб ўтилган иллатларнинг нуқ-



си пьесаларимизда бўртиб турибди. Пьесаларимизда яққол кўзга ташланадиган яна бир қусур — саводсизликдир. Синтактик, морфологик, орфографик, пунктацион хатолар ғижғиж. Бу масала билан узоқ ва жиддий шуғулландим. Аввалига, репертуар-таҳрир ҳайъатида асарлар таҳрир қилинса, бу иллатдан қутулиш мумкин, деб ўйладим. Сўнг ҳамма айб таълим тизимида, деган ўйга бордим. Кейин билсам, масаланинг илдизи жуда чуқур ва бутунлай бошқа ёқда экан. Кекса пьесанависларимизни-ку тушунса бўлади — аввал, араб алифбосида ўқиган, кейин лотин ва ниҳоят, кириллда ёзишга мажбур бўлган. Лекин, ёшларимиз-чи?

Баъзан телевизордан шундай спектаклларга кўзим тушадики, актёрларнинг бир хил оҳанг (интонация)да гапираётганини кўриб, бу одамлар қайси сайёрадан келиб қолибди экан, дея ёқа ушлашдан бошқа чора тополмайман! Ахир одам боласи бунақа тилда, бунақа оҳангда гапирмайди-ку! Ўзбек ҳам, рус ҳам, фаранг ҳам! Таржима асарларида тарбияланган ёш актёр театрга келиб жўнгина ўзбекча гапни ҳам сохта, ғализ оҳангларда гапирадиган бўлиб қоляпти. Чуқур, қамровли, бўлиқ миллий характерлар яратишни-ку, қўяверинг. Европа ва жаҳон классикасига актёрлик санъатини чуқур эгаллаб, катта тажриба тўплаб, ўша халқнинг маданияти, тарихи, миллий психологиясини ўрганиб, кейин қўл урган маъқул. Бу гапларни кўплаб ёш актёрларимизнинг театрга профессионал жиҳатдан «инвалид» бўлиб келаётганидан ташвишланиб гапиряпман.

— *Театрга ҳам адабий жараёндаги каби кўпинча бошқа касб эгалари нима иш қилишини билмай, китоб чиқаришга иштиёқмандлар каби бирор асари саҳна юзини кўришга ҳавасмандлар ҳам қўлёзма кўтариб келса керак. Буларни эринмасдан муҳокама қиладиган, назокат билан бу иш уларни қўлидан келмаслигини тушунтирадиган танқидчилар негадир кўринмай кетди. Умуман, бугунги театр танқидчилигидан кўнглингиз тўладими?*

— Театр танқидчилиги — кун тартибида турган энг чигал масалалардан бири. Агар матбуотда эълон қилинаётган тақриз, мақолаларни театр ва драматургиянинг ўзига хос жиҳатларини чуқур таҳлил этолмайдиган тасодифий муаллифлар ёзаётганини ҳисобга олсак, масала яна ҳам чигаллашади. Театр танқидчилигининг энг катта нуқсони мураббийлик хусусиятининг йўқлигида. Мутахассисларимиз ма-

қолаларида ўргангулик гап йўқ, ҳаммаси маълум фикрлар. Кўпинча тақризлар асар сюжетининг қисқача баёни ва мунаққиднинг "униси яхши, буниси ёмон" деган баёнотидангина иборат бўлишига ўрганиб қолганмиз. Бу етмагандай, кўпчилик танқидчиларимиз халқ номидан, томошабин номидан гапиришни одат қилиб олган. "Буни томошабин кўрмайди", "Бу ерида зерикади, анови жойида чалғийди"! Томоша залига кириб қарасангиз, аҳвол бутунлай бошқача: кўришяпти, зерикишмаяпти, ҳеч ким чалғиётгани ҳам йўқ.

Масалан, пьеса ёки спектаклларни баҳолашда қандай ўлчовлар билан ёндашамиз, ҳеч эътибор берганмисиз? Муҳокама қилинаётган асар ёмон бўлса, одатда биз унинг мавзуси муҳимлигини, долзарб муаммолар кўтарилганини гапирамиз-да, кейин камчиликларига ўтамиз: тил чатоқ деймиз, характерлар йўқ, конфликт суст деймиз, композицион тарқоқлик ва сийқа сюжет асарнинг бадиий қимматини тушириб юборган, деймиз. Бу, ахир, асар йўқ деган гап-ку! Қаранг, мавзу бор, муаммо бор, лекин асар йўқ! Бу ҳам етмагандай, бемазадан-бемаза пьеса ҳақида «қайта қуриш руҳидаги асар бўпти» деган мақтовларни эшитамиз. Ваҳоланки, бундай пьесаларнинг қайта қуришга мутлақо алоқаси йўқ, персонажлар саҳнага чиқиб олиб, «демократия», «ошкоралик» деган терминларни гапиради, холос! Шу сабабдан драматургиямизда (ўз навбатида, театрларимизда ҳам) мавзу чайқовчилиги чидаб бўлмас даражада авж олиб кетди. Аксарияти «ниҳоятда муҳим проблема кўтарилибди» деган баҳо олиб, саҳна юзини ҳам кўряпти. Шу пайтга қадар «ёпиқ» саналган мавзулар: гиёҳвандлик, одам савдоси, диний экстремизм (кўп ҳолларда ислом динимизни ёмон отлиқ қилиш эвазига), СПИД ҳақида бадииятдан маҳрум, қуруқ фактлар қалаштирилган «асарлар»га кенг йўл очилиши жуда ташвишли ҳолдир. Халқ театрга мавзу ёки проблема учун эмас, **томоша** кўргани келишини англаб етиш наҳотки, шу қадар мушкул бўлса?! Умуман, асарларга баҳо беришда драматурглар эмас, театршуносларимиз хато қилишмоқда. Улар мақтаган спектаклга томошабин кам тушади, танқид қилинганига билет тополмайсиз. Томошабинимиз ҳам шу руҳда тарбияланган — нимани кўришни яхши билишади.

— *Театр ҳар доим эзгулик ва ёвузлик, Раҳмон ва шайтон ўртасидаги кураш саҳнаси бўлиб келган. Лекин бугун, томошабин таассуроти билан айтганда, саҳнада "ёмонлар" ва яхшилар"нинг қиёфаси кўринмай қолди. Шу жиҳатдан, унинг ҳам вазифаси хиралашди. Шу пайтгача, саҳна асарлари инсоннинг эзгулик ва ёвузлик тасаввурларини тарбиялаш билан шуғулланиб келарди. Зотан, театр юқоридан таъкидлаганимиздек, ибратхона. Лекин айни кунда бу образларни иккинчи даражали деб ўйловчилар ҳам йўқ эмас. Сиз бунга қандай қарайсиз?*

— Уф-ф... Мен учун энг оғриқли масалага келдик... Яратилаётган ижобий қаҳрамон бирам яхши, бирам мўмин, бирам одобли, бирам билимли, бирам ширинки, бўғиб ўлдириб қўйгинг келади! Ижобий қаҳрамонларимиз аллақачон "қариб қолган" бўлса ҳам ўжарлик билан уларни ушлаб турибмиз ва янги-янги нусхаларини яратаётирмиз. Улар бирон-бир ижтимоий фойдали иш қилаётганлари йўқ. Аксинча, ё насиҳатвозлик, ё баландпарвоз гаплар билан томошабинни театрдан совутмоқда. Сув қоғозга ўралган бу қаҳрамонлардан бир оғиз янги гап эшитмай-

сиз. Ҳатто, актёрлар ҳам ижобий ролларни ўлганининг кунидан ўйнайди, кўпроқ салбий ёки бошқа характердаги ролларни талашишади. Аҳвол шу даражага етдики, "ижобий қаҳрамон" билан "ёмон асар" деган тушунчаларнинг ўртасига ҳеч тортинмай тенглик аломатини қўйса бўлаверадиган бўлиб қолди. Бугун ижобий қаҳрамон эмас, халқнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган қаҳрамонлар керак. Бизни ўйлашга мажбур қилсин, дунёни англашимизга ёрдам берсин, асримизнинг энг оғир касаллиги — "ақлий ялқовлик"дан қутқарсин. Бу ишларни мавзуга санъаткорона ёндашув орқали амалга оширса бўлади.

— *Шунақа асарларни санъат асари деб саҳнага олиб чиқса бўлаверадими? Ўзи театрларимиз репертуарида сабоқ оладиган асарлар борми?*

— Ютуқларимиз ҳам бор, албатта. Лекин қўлдан бой берган имкониятларимиз бир неча ўн баробар ундан кўпдир! Шуниси алам қилади...

— *Илгарилари адабиёт дарслигида драматик асарларга кенг ўрин бериларди. Бу ўз ўрнида мактаб ўқувчиларнинг нутқини ўстирар, масъулиятини ошираради. Масалан, ўқувчилар орасида Алишер Навоий ёки Гули образида кўринган болаларда ўзгача руҳият пайдо бўлар ва қолганлар ҳам саҳнада танилган Алишер ролини ўйнаган болага бошқача муносабат пайдо бўларди. Бу ўз-ўзидан театр ҳақидаги тасаввурларни бойитиб, саҳна асарларига бўлган муносабатини шакллантирарди. Негадир ҳозир ўрта таълимда бу масалаларга эътибор берилмаяпти.*

— Илгарилари адабиёт дарсликларида драматик асарларга алоҳида эътибор бериларди. Ҳазрат Навоий, Мирзо Улуғбек драмаларини ўқиб, вояга етган инсонларда театрга бўлган муносабат ҳозир ҳам бошқача. Лекин бугунги кун драматургиясининг мавзулар кўлами торайиб қолгандек туюлади. Масалан, жадидчилик, мустақиллик даври қаҳрамонлари ҳали тўлалигича очиб берилмаган. Кейин мумтоз асарларга кам эътибор бераяпмиз. Яқин-яқинларгача олтинчи ё еттинчи синф адабиёт дарслигида "Темир хотин" пьесасидан парча босилиб турган эди. Менга номаълум сабабларга кўра "Темир хотин" асари адабиёт дарслигидан ҳам олиб ташланди, Фарғона театрининг шу номдаги спектаклини Ўзбекистон телевидениесида намойиш қилиш ҳам тақиқлаб қўйилди. Бу адабиёт дарсликларида пьесаларнинг чоп этилиш масаласи. Энди умуман, драматик асарларнинг нашри жўнлигидан, бу ҳақида мен гапирсам ношукурлик бўлар, негаки, пьесаларим босилиб турибди. Лекин бу билан муаммо ҳал бўлмайди-да. Ҳеч бўлмаганда, адабий нашрларимиз ҳар кварталда биттадан пьеса босишса, йилига саккизта асар пайдо бўлар экан. Саккизта яхши пьеса топилади. "Пьесани ўқишмайди" деган гап нотўғри. Дўконларда чанг босиб ётган китобларнинг ҳаммаси ё поэзия, ё проза. Энг ёмон пьесалардан иборат энг ёмон китобни топиб кўрингчи. Ҳамма гап сифатда. Яқин-яқинларда ҳам "Замон кўтарса-ку, не-не асарларни ёзиб ташлардим-а" деган гапларни кўп эшитардим. Мана, "кўтарадиган" замонлар келди, лекин қани ўша асарлар? Юрагида дарди бор ижодкор ўша вақтларда ҳам айтадиган гапини айтган, ҳозир ҳам айтяпти.

— *Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!*

"Hurriyat" мухбири Адиба УМИРОВА гурунглашди.

ТАРИХИЙ ТАЖРИБА

Мозиқдан таралган нур

"Алишер Навоий" фильми экранда 70 йиллик билан ўлчанадиган умр масофасини босиб ўтди. Уни биринчи ўзбек тарихий-биографик кино тасмаси бўлгани учунгина қадрламаймиз. Кейинчалик бу даражага кўтарилган экран маҳсулоти яратилмади. Ундаги образларнинг, воқеаларнинг барчаси тарихийлик, ҳаққонийлик талабларига жавоб беради ҳам дея олмаймиз. Лекин бу асарга аксиология нуқтаи назаридан ёндашсак, сценарийнинг новелистик қурилиши қарийб ўн йил давом этган изланиш биз ардоқлайдиган алломанинг 60 йиллик умрини бир ярим соатлик метражга эга бўлган кино тасмасида кўрсатиш билан якунланганидан мамнун бўламиз.

Ижронинг юксак нуқталарга кўтарилганидан ҳайратланамиз. Тасвир, кадрлар композицияси, декорация ҳамда натурада олинган лавҳалардан тортиб персонажларнинг либосигача рассом ва оператор, режиссёр ҳамда титрда таъкидланган маслаҳатчиларнинг билими, нозик диди, муҳими, бадиий тадқиқ қилинаётган объектга бўлган меҳри сезилиб туради. Асарнинг режиссураси тадқиқот объекти бўлса, сценарий танланиши ва у кино шаклига келтирилишида, эскизлар чизилишида ҳамда уларда бўлажак асарнинг стилистикаси белгиланишида, актёрларнинг уюшқоқ ансамблини яратиш ҳамда унинг бир йўналишда, монументал руҳдаги асарга мос келадиган тарзда фаолият кўрсатиш мақсад қилинганида экран ҳикоясининг монтаж ритмини танлашда ва унга сўнгги кадргача содиқ қолинганида кўрамиз.

Сценарийнинг турли кўринишлари устида ишлаганларнинг сони ортиб бориши театр актёрлари, типажлар синови узоқ давом этгани, ҳукмрон мафкура тўсиқларини тасдиқловчи ҳужжатлар даҳшатга келтириши, адабий асос Тошкентда, Москвада ташкил этилган мажлисларда қайта-қайта муҳокамага қўйилгани ўтмишда фильм ишлаб чиқариш қанчалик мураккаб бўлганини кўрсатади. Ўша, зиддиятлардан холи бўлмаган муҳитни тарихий манбалар, шахсий хотиралар, газеталар саҳифаларида чоп этилган хабарлар, архив материаллари асосида таърифлашга уринди кўрдик. Шу билан бирга жаҳон экранларини кезиб чиққан бу асарнинг ўша давр (1938—1947 йиллар) кино тасмаларидан фарқи, унинг ўзига хос услуби, стилистикаси ҳақидаги мушоҳадаларга берилдик. Муаллифлар ва режиссёр қандай манбаларга таяниб асарнинг бадиий концепциясини қургани, марказий қаҳрамонлар образлари талқинида қандай манбалардан келиб чиқилгани, умуман "Навоий" суратга олиш гуруҳининг устахонасида йиллар давомида ҳукм сурган муҳит бизни қизиқтирди.

Мавлоно Навоийга экран монументини яратаётганини актёр Раззоқ Ҳамроев ҳам ҳис этиб турганини кўрамиз. Образли ифодалари билан буюк Лутфийни ҳам ҳайратга солган Алишер фильмда ҳам теран фикрлайди. Бўғдойнинг нозик пояси бўйлаб юқорига — пишиб етилган дон сари интилаётган жажжи чумолининг ҳаракати ҳам мутафаккирни фалсафий ўйларга ундайди. Кадрларнинг йириклиги, мазмуни, таркиби заковатли томошабинга завқ беради, фалсафий ўйларга ундайди, тарихий воқеалар иштирокчиси, шоҳида бўлмиш донишманд бобомизнинг умр фаслларини яна бир бор чуқур идрок этишга ҳозирланиш таклиф этилади. Мазкур лавҳани асар экспозицияси сифатида қабул қиламиз. Ўз микрокомпозициясига эга бўлган бу каттагина эпизод кейинги кадрларга осонгина уланади. Иккинчи йирик эпизодга ўтишдан олдин биз қаламга олган лавҳадан бир неча кадрнинг вербал ифодасини берайлик. Биз ишора қилган композициядаги кадрлар йириклигига, таркибига, актёрлар талаффуз этган сўз ва жумлалар маъносига аҳамият беринг. Бир кадрда шаҳзода Ҳусайн дўсти ёш Алишер билан бирга бир манзарани кузатиб боради. Бўғдой поясига маҳкам чирмашиб, ер қаъридан оби ҳаёт олиб, қуёш нури ила етилган бўғдой донаси ҳамиша ҳаракатда бўлган чумолининг ҳавасини келтирганини кўрамиз, фалсафий ўйларга бериламиз.

Фильмнинг адабий асоси ва режиссёрнинг тасаввуридаги кадрларнинг моҳияти ҳақидаги мулоҳазаларимизга бир зум чек қўйиб бугунги кун киночилари учун ибрат бўладиган фильмда ижро маданияти ва техникасини таърифлашга уриниб кўрайлик. Асад Исматов — ғожиавий ролар устаси, ижро санъатининг пири — ўз қаҳрамони бўлмиш Ҳусайн Бойқаронинг ички кечинмалари, мураккаб руҳий ҳолатини нигоҳ, аччиқ сўзлар, кескин жисмоний ҳаракат ила намоён этганини таъкидлаймиз. Кетма-кет улоқтирилаётган шойи рўмолчаларни ерга туширмай, фазода ўткир шамшири билан парчалаб ташлаётган Султон аламини нафис дуррачалардан олади. Унинг чеҳрасида, ҳаракатида, кўз ёшида аламнинг ўзгинаси эмас, афсуснадомат, фироқ ўти, фитна тантана қилганидан қайғураётган шахснинг драмаси ифодаланган. Шундай эҳтиросли ижронинг давомидек қабул қилинадиган финал кадрлардаги Ҳусайн Бойқаро — Асад Исматовнинг ҳолати шунчалик таъсирчан, ишонарли бўлганки, Комил Ёрматов суратга олишни тўхтатган. Мулоҳазамиздаги зиддиятни изоҳлаймиз. Султон севикли набираси Мўмин Мирзодан жудо бўлган, садоқатли дўстлари "зада бўлган қушлар каби" саройдан узоқлашган. Шундай вазиятда унинг ҳузурига Астроблоддан қайтган Навоий кириб келади. Султон мотам либосида, мисқоли салла ўраган, енгил оқ чопон кийган, ҳассага таянган Навоий — артист Раззоқ Ҳамроев мотамдан хабар топиб, ёшликдан дўстлашиб келган Ҳусайндан норози бўлади, саройдан кетишини билдирганида маишат қурбонига ачиниш ҳис-туйғуси билан бирга Навоийни бағритошликда айблаш ҳолати ҳам вужудга келади. Асад Исматов — Ҳусайн тиз чўкиб Алишерга мурожаат этганида бу вазият кескинлашади. Ана шу манзарани кузатиб, ўрганиб борган режиссёр "Стоп!" буйруғини бериб, бир неча кундан кейин икки дўстнинг сўнгги учрашувини ўзгача тасмага туширган. Бу кадрларни заковатли томошабин англаб, қадрлаб келмоқда.

"Алишер Навоий" фильмининг суратга олиниш дақиқалари. (1946 йил)

Бугунги кино шинавандалари Алишер ва Ҳусайн ўртасида фильмда кўрсатилгандек кучли адоват бўлмаган, шоир Астроблодга "сургун" қилинмаган, у ерни ҳам обод қилиш, мачит ва мадрасалар қуриш, таъмирлаш ишларини олиб боришни мақсад қилиб одил ва оқил Навоий ҳоким этиб тайинланган, деб эътироз билдириши мумкин. Бундай мулоҳазаларга сценарий ва фильмдан ўрин олган кадрлар, диалоглар, ибораларнинг сабаб бўлгани келтирилиши ҳам мумкин.

Алишер Ҳусайн ҳарамига келтирилган Гулини Астроблодга олиб кетишини маълум этганида Султон жеркиб "...ҳеч бўлмаса бир марта илтимос қилинг" дейиши ва ошиқ Алишер тиз чўкиб илтижо қилмоқчи бўлиши лавҳасини, маишатга берилган шаҳаншоҳ қўчқорлар жангидан мароқ олиб, май ичиши кадрларини, сўнгги кадрларда аччиқ ҳақиқатни эшитиб ғазабнок ҳолатга келган Ҳусайн Бойқаро Навоийга "Йўқол" қўпол сўзини айтиб шоир, давлат арбобини ҳайдаши эпизодларини эсланг. Ҳаётий воқеа, сиймо ва уларнинг бадиий тасвири назарияси ва тажрибасидан келиб чиқиб мушоҳада қиладиганлар эстетик қийматга эга бўлган асар, ҳаттоки тарихий шахснинг академик таржимаи ҳоли эмас, муаллифнинг бадиий тўқимаси бўлмаса фактлар, ҳужжатлар баёни образлилик йўлига тўғаноқ бўлади, умумлашмаларга ҳам келиб бўлмайди, деб жавоб бериши мумкин. Бундай мунозарада ҳакам хизматини ўташ фикридан узоқмиз. Шу билан бирга янглиш бадиий концепциялар асосида ҳам истеъдодли асарлар яратилганини, "Навоий" сценарийси ва фильми оғир йилларда ёзилганини ёддан чиқармайлик. Ўша давр мафкураси, синфий жамиятда ҳукмронлик қилган барча шахсларга салбий таъриф ва тавсиф берилишини, уларнинг замондошлари бўлмиш олиму-фузалолар, ижод аҳли ижобий фазилатлари билан намоён бўлишини талаб қилгани ижод жараёнига таъсир кўрсаттанини, олим, мунаққидларни чалғитганини не афсуслар билан қаламга оламиз. С.Эйзенштейндек қомусий билимга эга шахс ҳам "Мосфильм" киностудиясининг бадиий раҳбари сифатида "Навоий" сценарийсини ўқиб, муҳокамада танқидий мулоҳазаларини айтган, маслаҳатлар ҳам берган: "Сценарийда кучли конфликтлар, тўқнашувлар бўлмаганидек, иродали шахслар ҳам деярли кўринмайди. Навоий ва Султон Ҳусайн ўртасидаги зиддиятни тадрижий равишда охирига етказиб, уни ёрқин бир тарзда, аниқ ифодалаб бериш керак".

Сценарийнинг янги вариантларида икки дўст ўртасидаги конфликт тадрижий равишда давом эттирилганини кўрамиз.

Ҳусайн портретига чизгилар тортилишида кўпроқ Бобур таърифидан келиб чиқилган. Унинг бош қаҳрамон билан бўлган муносабатлари "юқори идоралар" назорати остида суратга олинган. Навоий образи таърифида афсоналар, ривоятлардан келиб чиқанлари ҳам сезилади.

Қомусий типда ёзиш, композиция қуриш, фильм яратишда муҳим омил бўлган манбаларга мурожаат этиш, миқдор жиҳатдан ва бўлган, лекин кино дораларида қизиқиш уйғотадиган хотираларни келтириш жараёнида машҳур фильмга давримизнинг юксак поғонасидан, холис ёндашиш ниятида бўлдик. Узоқ давом этган ижод жараёни мураккаб бўлганини, унинг иштирокчилари бўлмиш, санъаткорлар, олимлар сунъий тўғаноқларни енгиб, реалистик талқин йўлидан бориш ниятида бўлганларини, тарихийлик тамойилларига риоя қилишни мақсад қилганларини ҳужжатлар, мулоҳазалар билан кўрсатмоқчи бўлдик. Деярли ўн йил давом этган сценарий ёзиш, муҳокамага қўйиш, эскизларни чизиш, Тошкент—Москва йўлини қайта-қайта босиб ўтиб идораларнинг ижозатини олиш, суратга тушириш, монтаж қилиш жараёни осон кечган деб ўйлайсизми? Мазкур тарихий-биографик фильм кун тартибига қўйган талабларга, назария ва амалиётга тегишли масалаларга ижод ва илм аҳли диққат эътиборини қаратишни бурчимиз деб билдик. Зеро, Мавлоно Навоийнинг экрандаги умрини янги, давр талаблари даражасидаги эстетик шаклда, сериалларда кўрсатиш имкониятларидан фойдаланилмаётгани ташвишга солиши табиий бир ҳолдир. Унинг бирор асари бадиий фильмга (аниқроғи сериалларга) асос қилиб олинмаётгани давлат бюджетидан йил сайин ажратилаётган маблағдан унумли, пухта ўйланган кўпйиллик режа асосида сарфланмаётганидан дарак бермайдими? Масаланинг ташкилий, молиявий, техник, ташкилий томонларидан ташқари ижодий ва илмий жиҳатлари ҳам борки, улар кун тартибига ҳам қўйилмаган. Аслида 2015 йил 15-16 майда Самарқандда бўлиб ўтган халқаро анжуманда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов барҳаёт меросни тадқиқ қилиш, ёритишнинг янги методологик негизи ҳақида одил ва оқил мулоҳазаларни айтгандилар. Маданий меросга қараш, уни ўрганиш спектрининг кенг бўлиши ҳақидаги мушоҳадалар ҳам долзарб масалалар билан боғлиқ. Бадиий тадқиқ объектининг чегарасини, таркибини, фалсафий заминини ўргансак, ижодий меросни оқеан билиб, унга ёндошишнинг янги йўллари ҳам теран, миқёс жиҳатидан кенг бўлиши зарурлиги маълум бўлиб боради. Бу масалалар олимлар ва бадиий ижод аҳлидан ташкил топган катта гуруҳ томонидан ўрганилиши мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлаган ҳолда "Алишер Навоий" фильмининг узоқларга чўзилган замон ва кенг маконга чўзилган устахонасини баҳоли қудрат ўрганиш асносида пайдо бўлган айрим фикрларнинг мухтасар баёнини келтириб ўтамиз.

Катта хазина — Навоий ижодиёти кино, экран драматургияси, кадрлар композицияси, тоналлиги, тафаккур ифодаси нуқтаи назаридан ўрганилмади. Ваҳоланки, шоир асарларида экран захиралари мўллиги ғазалларда ҳам, поэмаларда ҳам дарҳол кўзга ташланади. Биргина биз қаламга олган "Муножот" ғазали сюжети қурилиши, мажозий ифодаларнинг шартли белгилари, теран ички кечинмаларнинг кўз илғайдиган тасвир, қулоқ эшитадиган матн, нозик овоз воситалари ила намоён этиши билан ҳам диққатга сазовор.

Шоирнинг элга танилган замондошлари Жомий ва Лутфий, Хондамир ва Султон Ҳусайн, Бобур ва Биноий, Восифий ва Хадича бегим (Ҳусайн Бойқаронинг рафиқаси, Музаффар Ҳусайннинг онаси) айтганлари, ёзиб қолдирганларига қиёсий таъриф бериш фикридан йироқмиз. Шу билан бирга қалам соҳиблари ўзаро суҳбатларда, мактубларда, хотиралари саҳифаларида бир-бирлари ҳақида айтган фикрлари тадқиқотчиларга, бадиий ижод оламига кириб келаётганларга методологик аҳамиятга эга бўлганини эслатиб ўтишни ўринли деб биламиз. Бу манбалар қаҳрамоннинг қизғин фаолиятини воқеабанд шаклда кўрсатади, шахсий ҳаёт жумладан, севги-садоқат ҳис-туйғуларининг ифодасини ўлмас фалсафий мисраларда тасвирлаган Навоийнинг ҳаётидаги лирик-психологик кўринишларни сценарий ва фильмларда эҳтирос билан кўрсатишда қўл келар.

Шоирнинг портретини, жўшқин ҳаёти фаслларини яратишдан аввал, унинг ўзини ўрганиш керак деб биламиз. Ёзиш техникасини ҳам, бадиий усулини, талқин йўлларини, фабула чизишни ҳам, Навоий асарларида унинг портрети ҳам, лирик-психологик, фалсафий ўйлари ҳам, муҳими, унинг бой ички дунёсининг таърифи ҳам мавжуд. Уларни илғаб олиш, аудиовизуал маданият нуқтаи назаридан ўрганиб, ўзлаштириб кинотелеполотнонинг сериалларини яратиш чоғи келди.

Биз ушбу мақолани келгусида тарихий мавзуларда суратга олинажак фильм ижодкорларига амалий қўлланма, нозик жиҳатларга ёндашувида йўл-йўриқ бўлар, деган умидда яратдик. Бу фильмлар, айниқса, улуғ алломаларимиз, тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти ҳақида фильм олиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган замонда жуда муҳим аҳамиятга эга. Ҳамма гап киноижодкорларимизнинг жипслигида билим доираларининг кенглиги ва жасоратида қолган.

Ҳамидулла АКБАРОВ, профессор

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Арзон ва қулай

Инсон қачон ҳаётидан рози бўлади? Ҳеч кимдан кам бўлмаса, эзгу ният-мақсадларига эришса. Унинг умри меҳнатда ўтиши, рўзғорим, бола-чақам деб йиллаб куйиб-пишиши мумкин. Лекин унга давлат томонидан ғамхўрлик қилинмаса, ўзини тўлиқ бахтли ҳис этиши қийин. Бу расмий тилда ижтимоий ҳимоя дейилади.

Элдига улуғ мақсадларни қўйган давлатлар ўз аҳолисининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга устувор вазифа сифатида қарайди. Арзон ва имтиёзли кредит шартлари асосида уй-жойлар билан таъминлайди, умуман, халқининг фаровон турмуш кечиришига кўмак беради.

Юксак тараққиёт йўлида дадил одимлаётган мамлакатимизда ҳам бу масалага жиддий аҳамият қаратилмоқда. Буни кўплаб эҳтиёжманд оилаларнинг арзон уй-жойлар билан таъминланаётгани мисолида кўришимиз мумкин.

Мазкур хайрли ишларда Президентимизнинг ўтган йил 22 ноябрдаги "2017 – 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлаётир. Унга кўра 2017 — 2020 йилларда шаҳарларда 5, 7 ва 9 қаватли энергиядан самарали фойдаланиладиган 945 та кўп хонадонли арзон уй-жойлар қурилиши белгиланган эди. Шулардан 191 таси жорий йил охирига қадар ўз эгаларига топширилиши мўлжалланмоқда.

Кўп хонадонли уйларни сотиб олиш учун қарз олувчиларга ипотека кредитларини расмийлаштириш орқали сотиш вазифаси "Ипотека-банк" тижорат банкига юклатилган. Айни дамда банк томонидан аҳолини арзон уй-жойлари учун йиллик имтиёз асосида кредит берилаётгани халқимиз учун айни муддао бўлмоқда.

Биргина шу йилнинг ўзида шаҳарлардаги уй-жойларга муҳтож бўлган оилалардан 7919 таси арзон ва шинам уйлар билан таъминланди. Президентимизнинг жорий йил 23 октябрда қабул қилинган "Шаҳарларда арзон ва кўп қаватли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар" тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Унда бир қатор вазирлик ва идораларга алоҳида вазифалар юкланди. Жумладан, "Ипотека-банк" АТИБ га ҳам. Шундан келиб чиққан ҳолда яқинда "Ипотека-банк" АТИБ томонидан Миллий матбуот марказида қарор ижросига бағишланган анжуман ўтказилди. Унда банк ва бир қатор соҳа мутахассислари журналистларнинг қизиқтирган саволларига жавоб беришди.

Дастлаб сўзни банкнинг Иқтисодий таҳлил ва стратегик ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Исмоил Туропов олиб, юртимизда аҳолининг арзон уй-жойлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳамда Президентимизнинг "Шаҳарларда арзон ва кўп қаватли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар" тўғрисидаги қарорининг мазмун-моҳияти ва "Ипотека-банк"ка берилган вазифалар хусусида тўхталиб ўтди. Шунингдек, тадбир давомида "Ипотека-банк" ходимлари Бобур Нурмуҳамедов ва Фарҳод Қурбоновлар сўз олиб, давлат ва жамиятнинг муҳим бўғини – оилалар фаровонлигини оширишда дастлаб уларнинг турар жой муаммоларини ҳал этиш муҳимлигини таъкидлаб, бу уй-жой қурилиши нафақат халқ турмуш тараққиётини ошириши қолаверса, ижтимоий масалани ҳал этиши билан аҳамиятли экани ҳақида қайд этиб ўтишди.

– Айримларда бу уйлар ниманинг ҳисобига арзон, деган савол туғилиши мумкин, – дейди банкнинг Қурилиш ташкилотларини молиялаштириш бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Тошпўлатов. – Бу уйларнинг ҳамёнбоп бўлишига сабаб, қурилишда 95 фоиз маҳаллий хомашёлардан фойдаланилмоқда. Уларнинг харид нархи ҳам имтиёз асосида бўлиб, қурилишда иштирок этаётган барча ташкилотларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилмоқда. Бу ҳам ўз навбатида уйларнинг арзонлигини таъминлашда муҳим бўлаётир. Фақат ёғоч ва том ёпиш буюмлари ҳамда лифт четдан олинаётган эди. Эндиликда уларни ҳам маҳаллийлаштириш устида иш олиб борилмоқда. Бундан ташқари уйларнинг сифатига алоҳида эътибор берилаётир. Бу масала давлатимиз раҳбарининг яқинда эълон қилинган қарорида ҳам алоҳида қайд этилган. Шундан келиб чиқиб, бугун пудратчи, қурувчиларнинг фақат юқори малакага эга бўлганлари ҳамда уларнинг аввал қилган ишларининг сифатига қараб танлаб олинмоқда. Албатта, буларнинг барчаси иншоотларнинг бекаму кўст ва мустаҳкам бўлиши учун хизмат қилади. 2018 йилги режаларга кўра эса 335 та ана шундай кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилган. Бу жорий йилга нисбатан икки баробар кўп дегани бўлса, яна минглаб оилалар уй билан таъминланади дегани ҳамдир.

– Бу уй-жойларнинг берилишида аҳоли учун бир қатор имтиёзлар тақдим этилмоқда, – дейди банкнинг Ипотека ва истеъмол кредитлари бошқармаси бошлиғи Бобур Нурмуҳаммедов. – Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилаларга кредитлар 20 йил муддатга, 3 йил имтиёзли давр билан, дастлабки 5 йил давомида йиллик 7 фоиз ва қолган даврда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида ажратилмоқда. Қолаверса, яқинда тўловларни амалга ошириш тартибига ҳам ўзгартиш киритилди. Илгари бошланғич тўлов 25 фоиз миқдорда белгиланган бўлса, бугун 10, 40 фоиздан этиб белгиланди. Бу каби имтиёзлар берилиши асло тўхтаб қолмайди. Чунки эътибор берсак, йилдан-йилга аҳоли учун қулайлик яратиш мақсадида уларнинг истак ва хоҳишлари инобатга олинмоқда. Уй бериш тартибидан тортиб, уйларнинг қуриш шаклларигача ўзгариб, мукаммаллик касб этиб бормоқда. Бу каби ўзгаришлар ҳали давом этиши тайин.

Шунингдек, анжуман давомида янги қурилаётган кўп қаватли уйларнинг нархи, хусусий қурилаётган уйларникига нисбатан икки баравар арзонлиги ва уларнинг сифати ҳеч қайси замонавий уйларникидан қолишмаслиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

Б.МУҲАММАДИЕВ тайёрлади.

Реклама ўрнида

TURON BANK

Бугун барча соҳаларда жумладан, банк тизимида ҳам изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Албатта, бу банк ходимларидан давр билан ҳамнафаслик, қабул қилинаётган қонунлардан хабардор бўлиш, малакасини доимий ошириб боришни талаб этади. Бу Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам алоҳида белгилаб қўйилган. Шу маънода «Туронбанк» АТБ томонидан ходимларнинг ҳуқуқий онгини, маънавий-маърифий билимини ошириш мақсадида турли мавзуларда ўқув семинарлари, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

«ТУРОНБАНК»ДА УЧРАШУВ

Бундай учрашувларга доимий равишда халқимизнинг таниқли инсонлари, олиму ижодкорлар ҳамда банк-молия соҳасидаги етук мутахассислар таклиф этилмоқда.

Навбатдаги семинар жорий йилнинг 11 ноябрь куни пойтахтимизнинг "Radisson Blu Hotel Tashkent" меҳмонхонасида бўлиб ўтди. Унда Республика Марказий банки вакиллари, «Туронбанк» АТБ раҳбарияти, банкнинг Ғазначилик ва қимматли қоғозлар департаменти ҳамда Банк рискларини бошқариш ва стратегик ривожлантириш департаментининг ходимлари, банк филиаллари раҳбар ходимлари ва бош бухгалтерлари, банк таркибидаги минибанклар бошлиқлари иштирок этди. Давра суҳбатига севимли актёрлар Мирза Азизов ҳамда Райҳон Уласеноваларнинг таклиф этилгани учрашувга файз бағишлади.

Семинарни «Туронбанк» АТБ Бошқаруви раиси ўринбосари А.Саттаров кириш сўзи билан очиб, банк соҳасидаги олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтди. Шундан сўнг актёр Мирза Азизовнинг чиқиши барчани Ватан туйғуси ҳақида ўйлашга ундади. У юртимизда олиб борилаётган катта ўзгаришлар ва осойишталигимизнинг қадрига етиш ҳақида тўхталар экан, ўзга юртларда содир бўлаётган мудҳиш воқеаларни мисол келтирди. Шундан сўнг, актёрлар ва банкирлар ўртасида қизғин савол жавоблар бўлиб ўтди. Райҳон Уласеновнинг кино сир-синоатлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари эса барчани қизиқишига сабаб бўлди. Ўзаро фикр алмашинувларда иштирокчилар маълум маънода театр ва кино оламига саёҳат қилишди, десак хато бўлмайди.

Анжуманнинг амалий қисмида бир қатор соҳа мутахассислари ўз маърузалари билан йиғилганларни таништирди. Жумладан, психолог Барно Илҳомованинг "Банк ходимларининг хизмат кўрсатиш муомала маданиятини ошириш – банк имижининг асосий омили" хусусидаги чиқиши барчанинг эътиборини тортди. Зеро, банк ходимлари кунига минглаб мижозлар билан ишлашга тўғри келади. Бу жараёнда муомала маданиятининг юқори бўлиши ўз навбатида мижозларнинг ортишига олиб келади. Учрашув давомида CFS компаниясининг корпоратив мижозларни жалб қилиш, уларга сифатли банк хизматларини кўрсатиш ҳамда банкнинг рақобатбардошлилигини янада ошириш мавзусидаги чиқиши йиғилганлар учун фойдали бўлди.

Ўзбекистон республикаси Марказий банки ходимларининг «Туронбанк» АТБ устав капиталини ошириш ва ресурс базасини мустаҳкамлаш ҳамда Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий нормативлар ҳақидаги маърузалар банк мутахассисларининг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлади. Шунингдек, тадбир давомида банк тизимидаги филиаллар ҳамда минибанклар фаолиятини янада ривожлантириш учун аввало, аҳолининг банкка ишончини мустаҳкамлаш ва хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, банк хизмат турлари сифати ва кўламини янада кенгайтириш ҳамда банк-молия соҳасидаги қабул қилинаётган фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ва қонун асосида иш юритиш лозимлиги таъкидланди.

Анжуман сўнгида «Туронбанк» АТБ тизимида бир неча йиллар мобайнида самарали фаолият юритиб келаётган, банкнинг янада равнақ топишида ва молия бозорида «Туронбанк»нинг обрўсининг ошишига хизмат қилаётган филиаллар қошидаги минибанкларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Энг кўп даромад келтирган минибанк, энг кўп мижозларга хизмат кўрсатувчи минибанк, энг яхши жиҳозланган минибанк ва энг фаол минибанк номинациялари бўйича муносиб деб топилган бўлинмалар ходимлари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, банк ривожига муносиб ҳисса қўшаётган бир қатор вилоят филиалларининг минибанкларига ҳам ташаккурномалар берилди.

– Бугунги семинаримиз ўта самарали бўлди, – дейди «Туронбанк» АТБ Самарқанд филиали Боғи-Сарой минибанки бошлиғи Зафар Нурматов. – Мутахассисларнинг турли мавзулардаги чиқишлари, берган сабоқлари, маълумотлари бизнинг кундалик фаолиятимизда асқотади. Айниқса, мижозларни жалб қилиш ва сифатли хизмат кўрсатиш ҳақида керакли тавсиялар берилди. Бундай семинарлар кўпроқ ташкил этилса, яна ҳам фойдали бўларди. Қолаверса, меҳнатимизни, юқори баҳолаб рағбатлантириш биз учун кутилмаган воқеа бўлди. Бундан жуда хурсандмиз. Бу бизнинг келгуси фаолиятимизни янада самарали бўлишига замин яратиб, ишимизга маъсулиятли бўлишга ундайди.

Банк матбуот хизмати

Бир ҳовуч дур

ҲИКМАТЛАР ЖИЛОСИ

Ҳамма билан яхши муомалада бўл, ҳеч кимни ўзингга душман қилма!

Азиз ибн Муҳаммад Насафий

Одамларнинг нимани гапираётганларини билмай туриб, уларнинг ўзларини билиб бўлмайди.

Конфуций

Биз дунёга манманлик учун келмадик. Биз севги учун, бошқаларнинг меҳрини қозониш, махлуқотни яхши кўриш, яратилган нарсаларга шафқат, муҳаббат кўрсатиш учун келдик.

Юнус Эмро

Довюраклик бошқа фазилатларнинг ўсиши учун албатта зарур. Ахир мард бўлмай туриб, адолат излаш ёки муҳаббатни ардоқлаб-асраш мумкинми?

Маҳатма Ганди

Бойликни бойлик қилган — ўзимиз. Агар унга бунчалик сиғинмасак, у бир тийинга арзимас эди.

Асқад Мухтор

HURRIYAT
Mustaqil gazeta
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080—рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*
Адади: 2620 Буюртма — V-474 1 2 3 4 5

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-88
Тел—факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-91
Топшириш вақти — 20⁰⁰ **Топширилди** — 18⁰⁰

ISSN 2010-7528
Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Манзилимиз: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.
Навбатчи: Шолазиз Шоҳидоев
"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30—уй.**